СССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
Гос. книжная палата УССР
6 МАЙ 1985
ОПИСАНО

Бугун — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик

ҲАММА-МЕҲНАТ БАЙРАМИГА!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 103 (19.179). ● 1985 йил 4 май, шанба ● Баҳоси 3 тийин.

ҒОЛИБ ЖАНГЧИЛАРГА ТАБРИКЛАР

Бундан 40 йил муқаддам гитлерчилар Германияси устидан ғалаба қозониб, социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолган, инсониятни фашизм қуллигидан халос этган совет кишиларининг жасорати мангудир. Ғалаба куни арафасида Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, собиқ жангчиларга чуқур ҳурмат-эҳтиром бажо келтирмоқдалар. Уларнинг жанг майдонларида кўрсатган мардлиги ва матонати янги-янги авлодлар учун совет ватанпарварлиги ва интернационализмнинг битмас-туганмас манбаи, севимли Ватанга садоқат билан хизмат қилишнинг илҳомбахш намунаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Байрам арафаси кунларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлари уруш инвалидлари ва ветеранлари уйларига бориб, уларни Биринчи Май ва яқинлашиб келаётган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги билан қизғин ва самимий табрикладилар, меҳнатда муваффақият, мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тиладилар. Урушнинг актив иштирокчиларига I ва II даража Улуғ Ватан уруши ордени, шунингдек, «1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг қирқ йиллиги» юбилей медалини топширдилар.

Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ветеранларга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик учун Коммунистик партияга чуқур миннатдорчилик билдирдилар, коммунизм қурилиши ишида, республика меҳнаткашларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда янада актив қатнашишга ваъда бердилар. (ЎзТАГ).

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ— ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

Бугун — шанбалик! Бу шанбалик совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоннят байрами — Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланади. Бутун мамлакат сингари республикамиз ишчилари, деҳқонлари ва зиёлилари ҳам Буюк Ғалабанинг шонли 40 йиллиги шарафига меҳнат байрамига отланди. Унинг ташаббускорлари қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгоград шаҳарлари корхоналари ҳамда ташкилотларининг ишчи-мутахассисларидир. Уларнинг 4 май куни Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббуслари республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида, корхоналари ҳамда колхоз-совхозларида кенг қўллаб-қувватланди.

Шанбалик арафасида редакцияга бугунги шанбаликни катта меҳнат зафарлари билан нишонлашга ахд қилган ишчилар, коллективлардан кўплаб хат-хабарлар олинди. Қуйида уларнинг айримлари билан сизни таништирамиз.

Тошкент асбобсозлик заводи ишчилари Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига бағишланган коммунистик шанбаликка пухта ҳозирлик кўришди. Корхона аҳли шонли санани зарбдор ва фидокорона меҳнат билан нишонлашга, ўз ватанпарварлик бурчини шараф билан адо этишга бел боғлади.

Коммунистик шанбаликда заводнинг 600 ишчиси қатнашади. Кўпгина ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари шу куни бир ярим-икки ҳисса иш бажариб, фақат юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ахд қилишган. Умуман корхона бўйича меҳнат байрами кунида 10000 сўмлик маҳсулот тайёрланади.

Суратда: шанбалик қатнашчиларидан бир группаси.

Э. Зоҳидов фотоси.

НУҚУЛ АЪЛО СИФАТЛИ

Л. ДУСТМУҲАМЕДОВА,

Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта мастери.

Қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгоград корхона, ташкилотлари коллективларининг Ғалаба байрами шарафига меҳнат байрами ўтказиш ҳақидаги даъватини республика пойтахтининг барча ишчилари каби бизнинг корхонамиз коллективи ҳам қўллаб-қувватлади. Шанбаликда ушқоқлик билан баракали меҳнат қиламиз. Корхона коллективининг шанбаликка тайёргарликка бағишланган митингида таъкидлаб ўтилганидек, тикувчилар меҳнат байрамида фаол қатнашадилар. 400 ишчи нормасини 1,5 баравардан ошириб бажариш мажбуриятини олган. Зарбдор ишчилардан Ф. Болтаева, Л. Халилова ва бошқалар сменада икки норма бажариш, барча маҳсулотни аъло сифат билан тайёрлашга ахд қилганлар.

Бирлашмамизнинг бош корхонасида халқ истеъмоли буюмлари сифатини яхшилаш ҳамда хилларини кўпайтириш мусобақаси кун сайин кенг қулоч ёймоқда. Шанбаликда 2 мингта эркаклар костюми, 90 та пиджак ва 230 та шим тикиб чиқарилади. Шу куни ишлаб топилган маблағнинг жами уруш ва меҳнат ветеранлари учун госпиталлар ва касалхоналар қаҳрамон жангчилар хотирасига ёдгорликлар қуриш фондига ўтказилади.

ВЕТЕРАНЛАР ЁРДАМИ

Т. НИЗОМОВ,

«Навоназот» бирлашмасининг меҳнат ветерани.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига қаҳрамон шаҳарларнинг меҳнаткашлари вакиллари шанбалик ўтказажаклари ҳақидаги даъватни эшитиб, ғайратимга чидолмай қолдим. Улуғ Ватан урушининг жанггоҳларида бўлганман. Танкчи эдим. Ўша вақтларда бундай кунларга мушарраф бўлишни жуда орзу қилгандим. Ўша ниятларимиз ушалганидан — Ғалаба таъминланганидан бошимиз осмонга етганди.

Улуғ Ватан уруши тугагандан кейин «Навоназот» бирлашмаси электр ускуналарини ремонт қилиш цехида кўп вақт меҳнат қилиб, бир неча йилдан буён кексалик гаштини сурмоқдаман.

Шанбаликда бутун смена давомида электр ускуналарини ремонт қилишда ёрдам кўрсатаман. Кечагина шу участкада ёнма-ён ишлаб юрган сафдошларим билан меҳнат беллашувида фаол қатнашаман. Бирлашманинг мендан бошқа яна 30 ветеран ишчиси — Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси ҳам шанбаликка келади. Улар Буюк Ғалаба шуҳрати учун стахановчасига ишлашга қарор берганлар.

ШИЖОАТ БИЛАН ИШЛАЙЛИК

И. ИСТАМОВ,

Бухородаги 163-қурилиш трести бригадири, СССР Олий Совети депутати.

Ғалаба шарафига ўтказиладиган меҳнат байрамига бухороликлар катта тайёргарлик кўришди. Мен бошлиқ бригада коллективининг барча аъзоси — 35 бинокор Бухоро технология институти ётоқхонаси ва уй-жойлар қурилишида зарбдорларча ишлаш истагини билдирдилар. Шанбаликда бригадамиз 35 кубометр ҳажмда ғишт теради, 8 кубометр бетон ётқизилади, 12 та темирбетон плита ўрнатилади.

Бу — ҳар кундагига қараганда анча кўп иш бажарилади демакдир. Ана шу зарбдор суръатга меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришамиз.

Бухоро тўқимачилик комбинатининг ишчилари шанбаликда 190 минг метр газлама, 25 минг дона сочиқ ва бошқа маҳсулотлар тайёрлайдилар. Бу — ҳар кундагига қараганда анча юқори кўрсаткич.

* * *

Ҳа, бугун миллионлаб совет кишилари қаторн республикамизнинг турли касб эгалари ҳам Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига хотира вахтасида туриб меҳнат жасорати намуналарини кўрсатадилар. Улар орасида Тошкент машинасозлари, Бухоро қурувчилари, Чирчиқ ва Навоий химиклари, Олмалиқ ва Бекобод металлургиялари, Фарғона, Андижон, Наманган енгил саноатчилари, Қашқадарё ва Жиззах чўлқуварлари, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд, Хоразм деҳқонлари, Қорақалпоғистон шолиқорлари ҳам бор. Шанбалик қатнашчилари ишлаб топилган маблағни беш йиллик фондига ўтказадилар.

Областимизда жами 540 минг киши шанбаликка чиқади. Уларнинг 220 минг нафари ўз иш жойларида меҳнат қилади. Бинокорлардан 11 минг киши ишга туширилаётган объектларда қурилиш ишларини жадаллаштириш билан шуғулланади. Қарийб 10 минг киши чорвачилик фермаларида ишлайди. Шанбаликда 2 миллион 100 минг сўмлик саноат маҳсулоти тайёрланади. Шунинг 1 миллион 400 минг сўмлиги халқ истеъмоли буюмларидир.

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

ҲИНДИСТОН БОШ МИНИСТРИ Р. ГАНДИНИНГ СОВЕТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИ

Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди май ойининг иккинчи ярмида СССРга қиладиган расмий дўстлик визити арафасида совет телевиденисига берган интервьюсида СССР билан Ҳиндистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига юксак баҳо берди. Интервью СССРнинг Марказий телевиденеси орқали 3 май куни кўрсатилди.

Мен Совет Иттифоқида тўрт марта бўлганман, деди Р. Ганди. Мен Таллиндан тортиб, Ўрта Осиё республикаларигача мамлакатингизнинг турли районларига борганман, Байкал кўлида бўлганман. Мамлакатингиз ниҳоятда улкан бўлишига қарамай, унинг кўп жойларини кўрганман.

Совет— Ҳиндистон муносабатларининг аҳволи жуда яхши, деб таъкидлади у. Бу эса шу муносабатлар ўзаро манфаатли эканлиги билангина изоҳланиб қолмайди. Гап шундаки, бизнинг кўп масалалардаги, шу жумладан мустамлакачилик, империализм проблемалари, озодлик учун, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи учун кураш масалаларидаги қарашларимиз ўхшашдир. Булар эса бугунги куннинг туб проблемалари ҳисобланади. Бизнинг тинчлик ва қуролсизланиш масалаларидаги қарашларимиз ҳам ўхшашдир. Бизнинг дўстлигимиз мустаҳкамланиб, тобора қалинлашиб бормоқда, бизнинг ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам ривожланиб бораверади, деб ҳисоблайман.

Биз Совет Иттифоқидан фақат бугунгина намуна олаётганимиз йўқ, деб таъкидлади Бош министр. Биз илгари ҳам, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгунгача ҳам шундай қилган эдик, ўша пайтда Ҳиндистон Миллий конгресс партиямиз Ҳиндистоннинг мустақиллиги учун кураш олиб борган пайтда ҳам шундай қилган эдик. Биз зулм ва қашшоқликка қарши кураш тажрибангиздан ҳам намуна олганмиз. Бугун биз сизлар эришган муваффақиятларнинг, мамлакатингизда юз берган улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Сизнинг мамлакатингиз жаҳондаги етакчи давлатлардан бирига айланди.

Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи халқаро проблемаларга тўхталиб ўтар экан, инсоният ҳаётини сақлаб қолиш учун бутун планетада тинчликни таъминлаш зарур, деб уқтирди. Мабодо ядро қуролини тарқатиш жараёни бундан буён ҳам давом этаверса, тинчликка эришиш жуда қийин бўлади, деб таъкидлади у. Илмфан, ҳозирги замон технологияси янгидан ривожланиб, биз компьютерлар ва бошқа машиналарга тобора кўпроқ таянаётган бир пайтда можароли ҳолатларга олиб борувчи хатоликлар имконияти ўсиб бормоқда, уларни топиш учун вақт эса қисқариб кетмоқда. Бу ҳол жаҳон узра пайдо бўлган хавф-хатарни ошириб юбормоқда.

Р. Ганди Совет Иттифоқининг олти мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Деҳли декларациясига ижобий жавоб берганлигини табриклади. Бу декларацияда ядро қуролига эга бўлган давлатлар, шунингдек жаҳондаги барча халқлар, парламентлар ва ҳукуматлар ядро уруши хавфини бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўришга даъват этилади.

Р. Ганди Американинг космик фазони ҳарбийлаштиришдан иборат режаларига Ҳиндистоннинг муносабати ҳақидаги саволга жавоб бериб бундай деди: Ҳиндистоннинг позицияси мутлақо равшан — биз қуролланиш пойгаси янгидан авж олишини истамаймиз ва бунга мутлақо йўл қўймаслигимиз керак. Қуролланиш пойгаси шусиз ҳам жуда оғир юк бўлиб қолди, унга барҳам беришга эришиш бусиз ҳам анчагина машаққатлидир. Бу пойгадаги ҳар қандай янги давра қурол-яроғларни чеклаш вазифасини анча қийинлаштиради ва мураккаблаштиради.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ЧЎЛҚУВАРЛАР ҒАЙРАТИ

Беруний номли совхоз чўлқуварлари Китоб районида биринчи бўлиб ниҳолларга комплекс ишлов беришга киришдилар. Хўжаликда заршунослари эрта баҳордаёқ 4,5 минг гектар янги ерга сифатли қилиб барака уруғи қадаган эдилар. Барча майдондаги чигит ернинг ўз намига қийғос ундириб олинди. Пайкалларда яшил қаторлар ўзга чалиниб қолди.

Айни кунда хўжалик далаларида ниҳолларнинг дастлабки ишлови агротехника қоидалари асосида қизғин олиб борилмоқда. Культиватор таққан 40 дан зиёд агрегат юксак унум билан ишлатилаётир. Бу йил ҳар гектар қўриқ ердан 35-40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилган Юсуф Баҳромов, Зиёдулла Илёсов, Ҳол Боббев, Акрам Рустамов, Эшболта Иброҳимов, Қўзибой Бобоназаровлар бошлиқ бригадаларда ниҳоллар дастлабки культивациядан чиқарилди. Бу ишда Ботир Илёсов, Мурод Бозоров, Қаҳрамон Бобоқулов сингари моҳир механизаторлар алоҳида жонбозлик кўрсатишаётир. Уларнинг ҳар бири кунига 4,5-5 гектар ердаги экинга сифатли ишлов бермоқда.

Совхоз пахта пайкалларида бу йил чигит пуштага экилганлиги деҳқонларга қўл келмоқда. Бу ғўзани суғоришда ҳам, унга комплекс ишлов беришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Пахтакорларимиз фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги байрамини барча майдонлардаги ғўзани дастлабки культивациядан чиқариш билан кутиб олмоқчилар,— дейди совхоз директори А. Тўраев. — Қўриқ ердан 12 минг тонна «оқ олтин» йиғиб-териб олиш учун ғўза парваришини агротехниканинг юксак талаблари асосида ташкил этяпмиз. Вегетация даврида ғўзани 3 марта қондириб суғориб, шунча озиқлантирамиз. Камида 7-8 марта комплекс ишловдан чиқарамиз. Бу эса шубҳасиз, мўлжалдаги ҳосил етиштиришни таъминлайди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Республика областларида чигит экишнинг борыши тўғрисида шу йил 3 майга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда экилган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ҚАШҚАДАРЁ	—	100,2
ТОШКЕНТ	—	100,2
АНДИЖОН	—	100,1
СУРХОНДАРЁ	—	100,0
БУХОРО	—	100,0
ФАРҒОНА	—	100,0
НАМАНГАН	—	100,0
СИРДАРЁ	—	100,0
САМАРҚАНД	0,1	100,0
Жиззах	0,4	99,2
Хоразм	1,5	98,2
Навоий	—	96,8
ҚҚАССР	4,8	60,1
Республика бўйича:	0,5	96,5

ПАРВАРИШ АВЖИДА

● Денов районидаги Охунбобоев номли колхознинг 4-алмашлаб экиш участкасидаги Ленин ордени нишондори, район Советининг депутати Норбўта Ортиқов бошлиқ бригадага қарашли 115 гектар майдонда чигит қийғос униб чиқди. Шу кунларда бригаданинг Мамаражаб Алиқулов, Алимардон Бобоқулов сингари ғайратли механизаторлари кунига 7-8 гектар ерни сифатли культивация қилиб, ҳар гектар ерга 100 килограммдан азотли ўғит солишмоқда. Ниҳолларга иккинчи ишлов берилаётир. Бригада коллективининг якунловчи йилдаги планлари катта. Пахтакорлар гектаридан 38 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил кўтариш ва аҳд қилишган.

Р. БОЙНАЗАРОВ.

НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАДАН ХАТ

ДЎСТЛАР ДАВРАСИ

Борлиқ узра икки ранг ҳукмрон: алвон ранг байроқлар ва куни кеча ёғган ёмғир ювиб ўтган дарахтларнинг япроқлари-ю, ер узра бош кўтараётган майсалар яшиллиги...

Новгород областидаги янги «Тошкент» совхози баҳор байрами куни ўзгача фусункорлик касб этган. Хўжалик меҳнаткашлари, қурувчилар қўлидаги кўклам туҳфаси — гулдасталар таровати кишига шодиёна кайфият бағишлайди.

Улуғ айёмни «Узновгородводстрой» трестининг «Тошкент — 9» ихтисослашган механизациялашган кўчма колоннаси ишчилари катта муваффақиятлар билан кутиб олишди. Қурувчилар Май байрами кунигача — савдо маркази, фельдшер-акушерлик пункти ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш объектларини барвақт фойдаланишга топшириш мажбуриятини олишганди. Серқуёш Ўзбекистон вакиллари ўз сўзларининг устидан чиқишди.

«Тошкент» совхози қурилиши тугаллангач, у замонавий қишлоқ хўжалик корхонаси қиёфасига эга бўлади. 3300 гектар мелиорацияланган ерларда деҳқончилик қилинади. Сутчилик фермаси, бузоқхона, қишки теплицалар, механика устаханалари, гаражлар, минерал ўғит сақланувчи ёпиқ омборлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш бинолари... Совхоз аҳолиси яшовчи посёлкада барча зарур маданий-маиший муассасалар ва шаҳар аҳолиси учун одат тарзини олган барча қулайликлар кўзда тутилган. Жумладан, квартираларга газ, совуқ ва иссиқ сув етказиб бериш, уйларни марказлаштирилган тарзда ситиш, канализация, телефон алоқаси таъминоти кабилар совхоз ишчиларига яхши кайфият бахш этиши шубҳасиз.

Совхоз қурилиши бошланганидан буён 13 минг квадрат метр турар жой, 2100 гектар мелиорацияланган ерлар фойдаланишга топширилди.

Қурилиш давом этаётганига қарамай, совхоз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бераётир. Ўтган йили хўжалик деҳқонлари ҳар гектардан қариб 900 центнер карам, мўл-кўл картошка йиғиштириб олдилар. Донли ва бошқа хил қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Бу кўрсаткичлар «Тошкент—9» кўчма колоннаси мелиораторлари илгари унумсиз саналган Ноқоратупроқ ўлка заминини ўзгартишда нақадар катта меҳнат қилганларидан далолат беради.

Бу йил совхознинг экин майдонлари анча кенгайди. Дон экиш учун 850 гектар, сабзавот экилари учун 400 гектар, картошка учун 100 гектар майдон ҳозирлаб қўйилди.

— 1985 йил биз, қурувчилар учун ҳам, деҳқонлар учун ҳам оғир келди, — дейди колонна бошлиғи Т. Лукмонов. — Аёзли қиш чўзилиб, баҳор кеч кирди, ерларнинг музи кетиши қийин бўлди. Булар деҳқонларнинг экиш, қурувчиларнинг мелиорация ишларини ўз вақтида ўтказишига тўсқинлик қилаётир. Ильмень кўлида сув сатҳи бир ярим метр кўтарилган. Аммо, биз қараб турганимиз йўқ. Хўжаликларнинг меҳнаткашларига қишлоқ хўжалик машина-механизмларини сифатли ҳозирлаб қўйишда ёрдам беряпмиз.

Совхоз посёлкаси қурилишида суръат юқори. Қурувчилар коллективида тугалловчи йил ва умуман беш йиллик планини муваффақиятли бажариш юзасидан социалистик мусобақа кенг қулоч ёздирилганлиги қўлга киритилаётган ютуқлар гарови бўлаётир. Ҳар бир кун зарбдор меҳнат билан нишонланяпти. Меҳнат беллашувида Н. Кравченко раҳбарлик қилаётган хўжалик ҳисобидаги монтажчилар комплекс бригадаси, Е. Пан бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси, шофер М. Ғофуров пешқадамлик қиляпти.

Ўзбекистон вакиллари бу йил катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар, 400 бош сигирга мўлжалланган молхонани ишга туширадилар, 700 гектар қуритилган ерларни фойдаланишга топширадилар.

Баҳорнинг заррин нурлари чулғаган «Тошкент» совхози далалари бўйлаб улкан бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

И. ЛЮБОВСКИЙ,
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги матбуот маркази ходими.

Э. ХОНЕККЕРНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан 1985 йил 4 майда дўстона визит билан Совет Иттифоқига келади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЁЗГИ БОҒ ЎЙЛАРИ ҚУРИЛИШИ, ШУНИНГДЕК, КОЛЛЕКТИВ БОҒДОРЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми боғ уйлари қурилиши, шунингдек, коллектив боғдорчиликни ташкил этиш ва юритиш қоидалари бузилишига қарши курашни кучайтириш мақсадида қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1985 йилнинг 1 январигача қуриб битказилмаган ёки шу муддатдан кейин қурила бошлаган ёзги боғ уйлари, агар улар тегишлича келишиб олинган лойиҳасиз ёки ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг қурилиш бошлангунга қадар амалда бўлган қонунларида кўзда тутилган нормалардан четга чиқиб қурилаётган бўлса, боғдорчилик ширкати жойлашган район, шаҳар халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг қарорига биноан мазкур нормаларга мувофиқ ҳолга келтирилади, ёхуд шундай қурилишни амалга ошираётган гражданлар томонидан ёки уларнинг ҳисобига бузиб ташланади.

2. Ёзги боғ уйлари қурилиши, шунингдек, коллектив боғдорчиликни ташкил этиш ва юритиш қуйидаги қоидаларини бузишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилади:

ёзги боғ уйларини тегишлича келишиб олинган лойиҳасиз ёки ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг қурилиш бошлангунга қадар амалда бўлган қонунларида кўзда тутилган нормалардан четга чиққан ҳолда қураётганлик учун — гражданларга эллик ўримгача жарима солинади;

боғдорчилик ширкати аъзолигига қабул қилиш қоидаларини бузганлик; коллектив боғ учун берилган ер участкасини ташкилотнинг лойиҳасисиз ўзлаштирганлик ва унинг территориясида иморат қурганлик ёки мазкур лойиҳани бузган ҳолда қурганлик; тегишлича келишиб олинган лойиҳасиз ёки ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг қурилиш бошлангунга қадар амалда бўлган қонунларида кўзда тутилган нормалардан четга чиқиб, ёзги боғ уйлари қурилишига рухсат берганлик, шундай уйларни фойдаланишга қабул қилганлик; коллектив боғ территориясида тегишлича келишиб олинган лойиҳасиз ёки ундан четга чиқиб умумфойдаланадиган иморатлар ва иншоотлар қурганлик; бинокорлик материалларини қонунга ҳилоф равишда берганлик, транспорт воситаларидан, механизмлардан, ишчи кучидан ғайри қонуний равишда фойдаланганлик, боғдорчилик ширкати объекти қурилишига ихтисослаштирилмаган қурилиш ташкилотларини жалб этганлик учун — мансабдор шахсларга юз сўмгача миқдорда жарима солинади.

3. Ушбу Фармонда кўзда тутилган қоидалар бузилиши тўғрисидаги ишларни халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ ва овул Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар, шунингдек, халқ депутатлари посёлка, қишлоқ ва овул Советларининг ижроия комитетлари кўриб чиқадилар.

Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советларининг ижроия комитетлари ваколат берган мансабдор шахслар тузган протоколлар мазкур ишларни кўриб чиқиш учун асос бўлади.

4. Ушбу Фармонда кўзда тутилган ёзги боғ уйлари қурилиши, шунингдек, коллектив боғдорчиликни ташкил этиш ва юритиш қоидаларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва гражданлар ана шу бузишлар ўз характерига кўра, амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаган тақдирда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

5. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз қарорларини ушбу Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри. 1985 йил 29 апрель.





ЮҚОРИ УНУМ БИЛАН

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг Тахиатош нон маҳсулотлари комбинати ҳар куни 820 тонна маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу йил корхона коллективи истеъмолчиларга 48 минг тонна гуруч, 52 минг тонна буғдой уни, чорвачилик фермаларига 90 минг тонна майдаланган ва концентрацияланган озуқа сотиш мажбуриятини олган. Йилда икки кун тежалган хом ашё ҳисобига меҳнат қилишга қарор қилинган.

Илгари қолоқлар сафида бўлган корхона ўн биринчи беш йиллик бошидан буён барча кўрсаткичлар бўйича планни мунтазам ошириб бажараётир.

Суратларда: 1. Тахиатош нон маҳсулотлари комбинатининг асосий корпуси. 2. Майдаланган озуқа ишлаб чиқариш участкаси. Дистанцион бошқариш пульти олдида смена бошлиғи О. Наукеров.

М. ЕЛЕУСИНОВ (ЎзТАГ) фотоси.

ЗАМИННИ ЁНҒИНДАН САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

Чет эл касаба союз делегацияларининг иштирокида Москва меҳнаткашлари вакилларининг урушга қарши митинги

Москва яна қирмизи байроқлар билан бурканди. Қирмизи ранг —янгиланиш, бунёдкорлик, тинчлик ва синфий бирдамлик рамзи — бу йил айниқса ёрқин бўлиб, улуғвор ёдгорликлар, обидалар пойига ҳамда беш қиррали юлдузи бўлган оддийгина ёдгорликлар пойига жуда кўплаб қўйилаётган чинни гул ва лолаларнинг барча рангларини ўзига сингдириб олгандек. Совет кишилари билан бирга чет эллик меҳмонлар ҳам гуллар қўйишмоқда.

Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмаган!

Ўтган уруш сабоқлари ҳам унутилгани йўқ. АҚШ бошчилигидаги империалистик доираларнинг айби билан кескинлашиб кетган ҳозирги халқаро вазиятда барча халқлар, жамики тинчликсевар кучларнинг сиёсий йўли қандай бўлишидан қатъи назар уларнинг бирлашуви ҳар қачонгидан кўра зарур бўлиб турибди. Уруш бошланмасдан олдин унга қарши курашиш керак. Меҳнаткашлар халқаро бирдамлик куни байрамида қатнашиш учун совет пойтахтига келган чет эл касаба союз делегациялари иштирокида 2 май куни Союзлар уйининг Колонна залида Москва меҳнаткашлари вакилларининг урушга қарши ўтказилган митингида ана шулар таъкидланди.

ВЦСПС раиси С. А. Шалаев минбарга чиқади. Москва меҳнаткашлари вакилларининг Қизил майдондаги байрам намойиши совет халқи тинчлик муддаоларининг, у халқлар ўртасида дўстлик ғояларига содиқлигининг ғоят ёрқин намойиши бўлди, унда чет эллик меҳмонларимиз ҳам иштирок этдилар, деди у. Биринчи Май байрамларида меҳнаткашлар, касаба союзлари, барча совет кишилари КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг якунларини қизғин ва якдиллик билан маъқуллаётганликларини изҳор этдилар. КПСС, Совет давлати ўз тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини тинчлик манфаатини кўзлаб, доимо амалий тадбирлар билан мустаҳкамлаб келмоқдалар.

Совет мамлакати гитлерчилар фашизми устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини барча тинчликсевар халқлар билан бирга тинчлик ғояларининг тантаناси сифатида, яна қон тўкилишига қарши қаратилган биргаликдаги куч-ғайратларнинг илҳомбахш натижаси, урушларсиз яшаш мумкинлигининг исботи сифатида ҳозирги уруш хавфига, қуролланиш пойгасига қарши курашни кучайтириш воситаси сифатида нишонламоқда. Биз совет халқининг Буюк Ғалабасини шарафлар эканмиз, Ғалаба ишига ҳисса қўшган жаҳондаги барча антифашистларга муносиб баҳо берамиз. АҚШнинг ҳукмрон доиралари, унинг НАТОдаги баъзи иттифоқчилари бошчилигидаги агрессив ва милитарист кучлар Ғалаба юбилейини мутлақо ўзгача «нишонлаш»га ҳаракат қилмоқдалар. Улар социализмни емириш, жаҳон тарихи ривожини орқага буриб юбориш йўлидаги беҳуда уринишларидан воз кечмай, улуғ санадан иккинчи жаҳон урушининг якунларини қайта кўриб чиқишга уриниш учун фойдаланмоқчи бўлмоқчилар, фашизм устидан ғалаба тушунчасининг ўзини бузиб кўрсатишга, 40 йилликнинг фашизмга қарши кенг миқёсли халқаро аҳамиятга молик воқеага айланиб кетишига йўл қўймасликка интилмоқдалар. Иш шунгача бориб етдики, АҚШдаги «нуфузли шахслар» бир вақтлар гитлерники бўлган яхтада унинг музейини ташкил этишмоқчи, АҚШ президенти эса май ойида ГФРдаги эсэсчилар қабристонига бормоқчи.

Вашингтон барча турдаги ҳужум қуролларини, аввало ядро қуролини ҳамон жадаллик билан кўпайтирмоқда, Ғарбий Европада янги ракеталарни жойлаштиришни давом эттирмоқда.

Америка империализминнинг милитарист доиралари ер курраси нинг бошқа районларида ҳам кескинликни кучайтирмоқдалар. Никарагуага, Марказий ва Жанубий Америкадаги бошқа мамлакатларга контрреволюцияни экспорт қилиш сиёсатини амалга оширмоқдалар, Куба, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ халқларига хавф солмоқдалар.

Шу боисдан ҳам тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини империализмга, унинг милитаристик йўлига қарши, инсоният боши узра пайдо бўлган термоядро уруши хавфига қарши курашни анча кучайтирган бир шароитда нишонламоқда. Барча тинчликсевар кучларнинг жипслигигина янги жаҳон ҳалокатининг олдини олиши мумкин.

Бундан 40 йил муқаддам Эльбада учрашган Совет ва Америка жангчиларининг қўл қисиб кўришишлари... Бу воқеа тинчлик манфаатлари йўлидаги учрашувлар ва қўл олиб кўришишлар каби мулоқот ҳам мумкин ва зарурлигига ишонч ҳосил қилдиради, деди умумвенгрия касаба союзлари кенгашининг секретари **Ш. Надь.** Гитлерчиларга қарши коалициянинг тузилганлиги шундан далолат берган эдики, жаҳон маданияти, халқлар мажвудлигининг ўзи соғлом фикр юритувчи, инсоннят тақдири учун масъулиятли бўлган кишиларни биргаликда курашиш учун кучларни бирлаштиришга мажбур эта оладиган бойликлардир. 9 майни тинчлик туғилган кун деб ҳисоблайдилар. Планета халқлари Совет Иттифоқи фашизм маразини тугатишда ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини яхши биладилар. Жаҳон социалистик системаси яратилганлиги ғалабанинг буюк тарихий якуни бўлди. Қирқ бешинчи йилнинг майи айни вақтда ишчилар ҳаракатини кучайтириб юборди. Халқаро касаба союз ҳаракати, умуман бир қанча мамлакатларда касаба союз бирлигини мустаҳкамлаш учун ҳам янги, бирмунча кенг имкониятлар вужудга келди. Халқаро кўламда эса Ғалабанинг таъсири жаҳон касаба союзлари федерациясининг ташкил этилишида ўз ифодасини топди. Меҳнаткашлар ўз тақдирига дахлдор масалаларни ҳал этишда кенг ва фаол иштирок этадиган бўлиб қолдилар.

Кейинги йилларда НАТО қабул қилган қарорлар, Европада Американинг ядровий ракеталари жойлаштирилаётганлиги, Қўшма Штатлар авж олдираётган қуролланиш пойгаси уруш хавфи асло йўқолмаганлигини исботламоқда. Совет Иттифоқи қардош социалистик мамлакатлар билан биргаликда қуролланиш пойгасини жиловлаш, космос ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик, ядро ҳалокати хавфини бартараф этиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилмоқда.

Буюк Британия тамаки саноати ишчилари касаба союзининг раиси **Р. Мартин** иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий денгиз учувчиси эди. Фашизм одамлар бошига солган азоб-уқубатлар тўғрисидаги хотиралар унинг қалбида ҳамон яшаб келмоқда. У миллионлаб совет жангчиларининг жасорати тўғрисида, гитлерчилар асоратига қарши курашда жонларини фидо қилган иттифоқчи қўшинларнинг солдатлари ҳақида миннатдорчилик билан гапирди.

Миллионлаб ҳалок бўлган кишиларнинг ҳоки, бошдан кечирилган кулфатлар хотираси тинчликни сақлаб қолиш йўлида астойдил ҳаракат қилишни тақозо этмоқда, деди меҳмон. Олдимизда турган вазифа осон эмас, аммо бизнинг касаба союзларимиз жабр-зулм ва кураш шароитида бунёдга келган, зотан биз ўз ҳаётимиз билан қарздор бўлган кишиларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришимиз керак. Биз ядро ҳалокати хавфидан ҳоли бўлган келажакни барпо этишимиз лозим.

М. С. Горбачевнинг яқиндаги ташаббусларини барча халқлар зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Шу таклифларни табриклай ўрнига бизни «самовий урушлар» лойиҳаси буюк давлатлар ўртасидаги кескинликни камайтиришга олиб келиши мумкинлигига ишонтиришга мажбур қилишни истамоқдалар. Рейганнинг бундай сиёсати Женева музокараларига фақат путур етказиши мумкинлигини айтиб ўтмоқчиман. Космосда қуролланиш пойгасини вужудга келтириш эмас, балки кескинликни камайтириш зарур.

Венгрия, Югославия, Австрия, Руминияни озод қилишда қатнашган **В. В. Клюев** бу уруш инсоният тарихидаги сўнгги уруш бўлганлигига ишонч билан фронтдан қайтган эди. Москвадаги «Серп и Молот» заводига кириб, мамлакатга вайрон бўлган заводлар, шаҳаларни тиклаш учун жуда зарур бўлган металлни мумкин қадар кўпроқ етказиб беришга ҳаракат қилиб ишлади. Социалистик Ватан унинг фидокорона ишини юксак баҳолаб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўнвони берди.

Дунёда бошинг узра мусаффо осмондан, болаларнинг бахтиёр кулгисидан кўра азизроқ нарса йўқ, деди донгдор пўлат қуювчи митинг минбарида туриб. Жиноий агрессия ва милитарлаштириш режаларини тузаётган кимсалар буни нима учундир тушунишни истамаяптилар. Шунинг учун ҳам касаба союзларининг тинчлик йўлидаги курашдан ҳам муҳимроқ вазифаси йўқ, ишончим комилки, биз, бутун планета ишчилари биргаликда тинчликни сақлаб қола оламиз ва шундай қилишимиз керак, чунки ишчилар синфининг жипслигига ҳеч қандай куч дош бера олмайди. Ер — ҳаммамизнинг уйимиз. Америкаликларнинг ҳам, французларнинг, японларнинг ҳам уйидир... тинчлик ҳаммага зарур. Мамлакатимиз олға сураётган тинчлик ташаббусларини барча совет кишилари каби чин қалбимдан қўллаб-қувватлайман.

Ольга Бертова — бошқа авлод намояндаси. У суронли уруш йилларининг хотинқизлари зиммасига тушган уруш даҳшатларини бошидан кечирган эмас. Аммо бу қиз ўзининг барча тенгдошлари каби шуни жуда яхши тушунадики, АҚШ бошчилигидаги энг агрессив империалист доираларнинг айби билан инсоният ядро ҳалокатининг реал хавфи олдига келтириб қўйилди. Шунинг учун ҳам унинг нутқи шу қадар ҳаяжонли бўлди. Ольга Москвадаги салкам етти юз минг студент номидан барча мамлакатлардаги йигит ва қизларга мурожаат этиб, планетанинг тинч келажаги учун курашда ёшларнинг куч-ғайрати, шижоатини бирлаштиришга даъват этди.

Ҳар йил ёз фаслида бизнинг энергетика институтимиз студентларидан уч мингга яқин киши студентлар қурилиш отрядлари составида зарбдор қурилишларда ишлайди, деди у. Ўтган йили фашист босқинчиларга қарши курашда жонини фидо қилган Москва энергетика институти студентлари ва ходимлари отрядларининг рўйхатларига фахрий жангчилар қилиб киритилган эди. Йигит-қизлар ишлаб топган маблағ Совет тинчлик фондига ўтказилди. Институтда совет студентлари билан бирга 74 мамлакат вакиллари таълим олмоқдалар. Биз ёшлар ва студентлар XII жаҳон фестивалини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўриб, чет эллик дўстларимиз билан биргаликдаги дўстлик тадбирлари ҳафталикларини ташкил этдик, ана шу ҳафталиклар давомида милитаристларнинг жиноий режаларига қатъиян қарши эканлигимизни билдирдик.

1917 йилда Октябрь революциясининг шоҳиди бўлган инсоният ҳокимиятни ўз қўлига олган ишчи ва деҳқонларнинг темирдек иродаси енгилмас эканлигига ишонч ҳосил қилган эди. Совет халқи бундан 40 йил муқаддам май кунларида фашизмни тор-мор этиб, ўзининг енгилмас эканлигини яна бир бор исботлади, деди Никарагуа касаба союзлари координация комиссиясининг ҳамраиси **Наполеон Лоайсига.** АҚШнинг ҳозирги маъмурияти қоимият тепасига келгандан кейин Марказий Америкада ғоят кескинлик манбаи вужудга келди, деб давом қилди нотиқ. Халқимизга қарши қилинаётган ҳарбий интервенция тобора янги қурбонларга олиб келмоқда. Одамлар ҳалок бўлиб, оиналар уй-жойларидан, болалар ота-оналаридан жудо бўлмоқдалар. Корхоналар, кўприклар, тош йўллар, соғлиқни сақлаш марказлари, мактаблар вайрон қилинмоқда. АҚШ президентининг куни кеча эълон қилинган янги фармони амалда Никарагуани иқтисодий қамал қилишни билдиради. Контрреволюционерларнинг ёлланган қўшинлари Марказий разведка бошқармасидан молиявий ёрдамни, замонавий ҳарбий техникани кўплаб олиб туришибди. Ёлланган сотқинларнинг куч-ғайрати экономикамизни беқарор қилишнинг Оқ уйда ишлаб чиқилган режасини амалга оширишга қаратилган. Меҳмон ўз мамлакатига бегараз ёрдам бераётганликлари учун совет халқига, КПССга, касаба союзларига миннатдорчилик изҳор этди.

АҚШ машинасозлик ва аэрокосмик саноати ишчилари миллатлараро уюшмасининг ҳазиначи бош секретари **Ю. Гловер** ўтган уруш йиллари Шимолий Африкада нацистларнинг Африка корпусига қарши кампанияда қатнашган АҚШ ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қилган эди. Кейинчалик у Европа қитъасига ўтказилган ва нацистларнинг узил-кесил мағлубияти шоҳиди бўлганди. Фашист маразининг ва у чиқарган урушнинг даҳшатли оқибатида совет гражданлари, солдатлари ва денгизчиларидан 20 миллион киши ҳалок бўлди, деди у. Америка учувчилари, солдатлари ва денгизчилари тўккан қон жангларда ҳалок бўлган ватандошларингиз қурбонлари ёнига қўшилади. Сталинградда совет солдатлари граждан аҳоли билан бирга деярли ҳар бир уй учун жанг қилдилар. Дон билан Волга оралиғидаги жойда фашизмга қарши қақшатқич зарба берилди. Иккинчи жаҳон урушидан олинган асосий сабоқ фашизмнинг тикланиши ва ёйилишига йўл қўйиш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Биз фашизмнинг инсон зотига душман лик моҳиятини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Биз яна шундай можаро чиқишига ҳеч қачон йўл қўймаслигимиз керак.

Бу урушнинг бошқа бир сабоғи шундан иборатки, АҚШ билан СССР куч-ғайратларини бирлаштириб, инсоният ва тинчлик иши манфаатлари йўлида кўп иш қилишлари мумкин. Биз мамлакатларимиз ўртасида мулоқот қанчалик кўп бўлса, бизларнинг ўртамиздаги ҳамжиҳатлик шунчалик чуқурлашаверади, деб ҳисоблаймиз.

ЖАР касаба союзлари Жанубий Африка конгресси ижроия комитетининг аъзоси **М. Шоуп** туғилган жой— Африка жанубида қора танли кишилар ҳозирда ҳам энг паст ирқ ҳисобланишади. Ҳозир Намибияда ва Жанубий Африканинг ўзида содир бўлаётган воқеаларни тушуниш учун аввало Преторія ҳукмрон синфи билан унинг Ғарб мамлакатларидаги ҳомийлари фалсафасини назарда тутиш лозим, деди у. Бу — ҳукмрон ва паст ирқлар тўғрисидаги фалсафа бўлиб, Преториянинг ҳукмрон синфи бу фалсафани ҳатто чиройли сўзлар билан ниқоблашга ҳам уринмаяпти.

Бугунги Биринчи Май — биз гитлерчилар нацизм ва япон милитаризми устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида нишонладик. Бутун дунё ишчилар синфи идеологик қарашларидан қатъи назар ғоят қатъият ва масъулият билан янги урушга қарши чиқиши керак, инсониятни қутқариш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишга Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қилаётган даъватларни актив қўллаб-қувватлаш бутун дунё ишчилар синфининг бурчидир.

Тинчлик тарафдорлари учун, халқаро ишчилар ҳаракати учун бу йил — фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланадиган йилдир. Москва шаҳар касаба союзлари Советининг раиси **Л. В. Петров** шуни қайд этиб ўтди. Аммо, биз деди у, тинчликка яна хавф-хатар таҳдид солаётганлигини бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз керак. Мамлакатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун кураш—чет мамлакатлардаги касаба союзлари, меҳнаткашлар билан ҳамкорлигимизнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Москва меҳнаткашлари вакилларининг чет эл касаба союз делегациялари иштирокидаги митинги тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашда меҳнат аҳли бирдамлигининг ёрқин намойишига айланди.

А. БЕЛИКОВ, С. ВОЗИАНОВ, ТАСС мухбирлари.

МОСКВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ССР Олий судининг бўлиб ўтган пленумида гражданлик ва жиноий ишлар бўйича суд коллегияларининг состави, пленум секретари ҳамда республика Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши тасдиқланди.

«Порахўрликка қарши кураш ҳақидаги қонунларнинг ҳамда СССР Олий суди ва Ўзбекистон ССР Олий суди пленумларининг шу масала юзасидан қарорлари республика судлари томонидан қандай бажарилаётганлиги тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Республикада салбий ҳодисаларга қарши курашнинг кучайтирилганлиги, деб таъкидланди пленумда, судлар зиммасига порахўрлик каби энг хавфли жиноят тўғрисидаги ишларни алоҳида диққат-эътибор билан қараб чиқиш вазифасини юклайди. Сўнгги вақтда фош этилган порахўрлар ва уларнинг шериклари мол-мулкини мусодара қилиш билан узоқ муддат озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиндилар. Бироқ бу хавфли жиноятда айбдор бўлган шахсларга нисбатан жазони бўшаштириш фактлари ҳам мавжуд. Порахўрликка қарши курашнинг самарали бўлишини таъминлаш учун судлар агар пора берган шахс унга нисбатан таъмагирлик қилинган бўлса ёки бу шахс пора бергандан сўнг бўлган воқеа ҳақида ўз ихтиёри билан маълум қилган бўлса, бундай шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги қонун кўрсатмаларини оғишмай бажаришлари керак. Судлар таъмагирлик ва гражданлардан совға олиш йўли билан ўз профессионал бурчларини бажарганлиги учун пул оладиган ходимларнинг хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолашлари зарур.

Пленум шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда судлардан порахўрликка қарши курашни кескин кучайтиришни, ҳамма айбдорларни аниқлаш ва жазолашни, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятидаги камчиликларни очиб ташлаш, бу камчиликлар тугатилишига эришишни талаб қилди.

Шунингдек пленум меҳнат қонунларини қўлланиш масалалари борасида қарор қабул қилди. Унда меҳнат тўғрисидаги қонунларга ўзгартириш киритилганлиги муносабати билан судларга тушунтириш берилди, партия ва ҳукуматнинг ишлаб чиқаришда интизом ва тартибни мустаҳкамлаш тўғрисидаги кўрсатмаларининг амалга оширилишига қонунининг ҳамма воситалари билан эришиш вазифаси қўйилди.

Пленум жиноий ишлар бўйича ўзининг баъзи қарорларига бир қанча ўзгартишлар киритди, уларнинг айримларини ўз кучини йўқотган деб топди, шунингдек конкрет ишлар бўйича протестларни кўриб чиқди.

(ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

(Бошн биринчи бетда).

Р. Ганди қўшилмаслик ҳаракатининг бошқа вазифаларига тўхталиб, Никарагуага қарши душманлик ҳаракатларини тўхтатиш зарурлигига эътиборни қаратди. Маълумки, Ҳиндистон шу ҳаракатнинг раиси ҳисобланади. Биз бу республикага ёрдам бериш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз, деди у. Биз бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашишга қарши курашмоқдамиз. Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи шунингдек Намибия масаласига яна қайтиш вақти келди, деб таъкидлади. Агар барча мамлакатлар тегишлича қатъият кўрсатсалар, деди у, Намибия ва Жунибий Африка озодликка эришади. Булар бизнинг заминимизда мустамлакачиликнинг сўнгги қолдиқлари бўлиб, уларни тугатиш учун ҳаммамиз кураш олиб боришимиз керак.

Р. Ганди ўзи бошчилик қилаётган Ҳиндистон Миллий конгресси (И) ҳукумати олдида турган вазифалар ҳақида гапириб, булардан энг муҳими мамлакатни ривожлантириш, ҳинд халқининг тараққиётга эришишини таъминлашдан иборат, деб таъкидлади. Бу вазифани ҳал этишнинг энг муҳим шарти, бутун дунёда тинчлик бўлишидир, деди у.

Бош министр Ҳиндистоннинг социал проблемаларига тўхталиб, Ҳиндистон Миллий конгресси (И) ҳукумати турли жамоалар ва элатлар ўртасида ийгун муносабатларни ривожлантиришга муваффақ бўлди, деди. Гарчи вақти-вақти билан тартибсизликлар келиб чиқаётган бўлса ҳам умуман жамоалар тотувликда яшамоқда, деди у. Бу жамоалар биргаликда яшаб, биргаликда ишламоқдалар, интеграция жараёни юз бермоқда. Панжоб штати бунинг энг яхши намунасидир. Панжоб штатида сикхлар билан ҳиндлар ўртасидаги муносабатларда муаммолар мавжуд, деган таассурот борлигини биламан. Аммо, аслида Панжоб штатидаги бу жамоалар ўртасида ҳеч қачон тўқнашувлар бўлмаган. Ушбу штатни Ҳиндистондан ажратиб олмоқчи бўлган экстремистлар, террорчилар группаси мавжуд бўлиб, улар тўқнашувлар келтириб чиқаришга интилмоқдалар. Лекин, ҳар қандай ҳийла-найранг ишлатиб ийгвогарликлар қилинмасин, тўқнашувлар юз бермади. Бу эса жамоаларимизни бирлаштириб турувчи алоқалар нечоғлик кучлилигини кўрсатиб турибди. Биз бу дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун янги қадамлар қўяверамиз.

Ашаддий фашизм тор-мор келтирилганидан буён қирқ йил ўтди, деб сўзини давом эттирди Ҳиндистон Бош министри. Бугун ўтмишга назар ташлаб, фашизм қандай қилиб ҳокимиятга эришганини, қандай қилиб фашизмга ўзининг кучини мустаҳкамлашга имкон берилганини ёдда тутишимиз керак. Баъзи жойларда бу ҳодисани янгидан бунёд этиш тенденциялари борлигини кўриб турибмиз, деб таъкидлади Р. Ганди. Шу сабабли биз фашизм хавфини асло унутмаслигимиз, унинг янгидан ҳокимиятга эришишига имкон бермаслигимиз керак.

Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида ўттиз йилдан буён ҳамкорлик қилиб келинмоқда, деди пировардида Р. Ганди. Биз СССР билан алоқаларимизни мустаҳкамлашга, уларни янада кучлироқ, мустаҳкамроқ қилишга интиламиз. Бизга жуда зарур бўлган вақтда, уруш ҳаракатлари даврида ҳам, тинчлик вақтида ҳам СССР бизга ёрдам берди. Мамлакатни, саноатимизни ривожлантиришда ёрдам зарур бўлганида, бошқа давлатлар иккиланган пайтда ёки бизга тазйиқ кўрсатмоқчи бўлишга ҳаракат қилган пайтда ҳам Совет Иттифоқи ҳамиша бизга ёрдам бериб келди. Биз бу ёрдамни юксак қадрлаймиз. Бу ёрдамни биз унутмаймиз. Биз иккала мамлакатимизнинг янада тараққий этишига эришиш, бутун дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи билан мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорликка интиламиз.

(ТАСС).

ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

3 май куни Москвада Кремлнинг Съездлар саройида Москва гарнизони қўшинларининг Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб 9 май куни Қизил майдонда ўтказиладиган паради қатнашчиларининг тантанали йиғилиши бўлди.

Йиғилишда Ленин орденли Москва ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, армия генерали П. Г. Лушев нутқ сўзлади. Қўшинларнинг тантанали юриши, деди у, Совет Қуролли Кучлари исталган пайтда ўзининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини шараф билан бажаришга тайёр эканлиги тўғрисида КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, халқимизга берилган жанговар рапорт бўлади.

Армия генерали П. Г. Лушев парад бўлинмаларининг шахсий состави қўрсатилган ишончи шараф билан оқлаш, масъулиятли ва фахрли вазифани намунали бажариш учун бутун кучи, билими ва тажрибасини сарфлайди деб, парад қатнашчилари номидан КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукуматига ваъда берди.

(ТАСС).

ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТЕРРИТОРИЯСИДА БИРГАЛИКДАГИ МАШҚ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

1985 йил 25—31 май кунлари Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида — Усти, Карлови-Вари, Раковник, Млада-Болеслав, Либерец районида қўшинлар марказий группаси ҳамда Чехословакия Халқ армиясининг биргаликдаги машқини ўтказиш планлаштирилмоқда.

Машқ ҳар хил қўшин турларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларини пишиқтириш мақсадида ўтказилади.

Машққа умумий сони 25 минг кишилик қуруқликдаги қўшинлар ва ҳарбий-ҳаво кучлари қисмлари ва бўлинмалари жалб этилади.

40 ЖАСОРАТНОМА

• Қаҳрамонлар иши мангу
• *Ғалаба байрамига муносиб совғалар*
• Тинчлик—халқлар орзуси
• *Мангуликка дахлдор*

РЕЙХСТАГ УСТИДА БАЙРОҚ

1945 йил. Жангчиларимиз олдида гитлерчиларнинг сўнгги таянчи рейхстагни забт этиш вазифаси турарди. Душманнинг асосий кучлари шу ерга тўпланган, кучли мудофаа истеҳкомлари барпо этилган эди. Улар совет қўшинлари бу тўсиқни енгиб ўта олмайдилар, дея хаёл қилишганди.

Генерал-майор В. М. Шатилов дивизияси рейхстагга биринчи бўлиб етиб келди. 30 апрель куни эрта тонгда у ўққа тутилди. Прожекторлар нуридан душман солдатларининг кўзи қамашар, артиллериянинг кучли зарбаси, самолётларнинг ҳужумидан фашистлар тупроғи титрарди. Ҳамма фақат олға интиларди.

Рейхстаг штурмчилари орасида 674-ўқчи полк батальонининг парторги лейтенант Каримжон Исоқов ҳам бор эди. Берлин учун олиб борилган жангларда у ўзини моҳир партия етакчиси, жасур жангчи сифатида кўрсатди.

Улуғ айёмларда, шонли саналар арафасида К. Исоқов бундан 40 йил муқаддам бўлган воқеаларни хаёлан кўз олдига келтиради...

— Ҳужумни бошлашимизга саноқли дақиқалар қолди. Солдатлар руҳини кўтарадиган бир-икки оғиз сўз айтиш керак. Бу кўпчилигимиз учун сўнгги жанг бўлиши мумкин,— деди 1-ўқчи батальони парторги К. Исоқовга батальон командири Василий Давидов.

Катта ертўлага солдатлар тўпланишди.

— Қуролдош дўстлар, — дея гап бошлади К. Исоқов. — Эртага 1 Май. Агар уйимизда бўлганимизда Қизил байроқлар кўтариб намойишда қатнашардик. Афсуски, душманни ҳали бутунлай енгганимиз йўқ. Мана, бизнинг Қизил байроғимиз. Уни рейхстаг устига ўрнатишимиз керак.

Ҳужум бошланишига бир соат қолди. Жангларда намуна кўрсатган Иван Клименко, Василий Кивни партия сафига қабул қилишди. Взвод командирларидан Раҳимжон Қўчқорбоев ҳам партия аъзолигига қабул этилди. У ўз аризасига шундай ёзган эди: «Мени партия аъзолигига қабул қилишингизни сўрайман. Коммунист деган юксак номни шараф билан оқлайман».

Шу пайт командир К. Исоқовнинг:

— Оғайнилар, олға! — деган буйруғи эшитилди. Жангчиларимиз сўнгги ҳамлага ташландилар. Сўнгги метрлар ўқ довули остида босиб ўтилди. Солдатларимиз хонама-хона, қаватма-қават юриб, уни гитлерчилардан тозалаб боришди. Шиддатли ҳужумга бардош беролмаган гитлерчилар таслим бўлдилар. Мудофаа истеҳкомига айлантирилган хоналардан оқ байроқ ташланди.

Солдатларимиз гитлерчилар уясига ҳужум қилишда алоҳида мардлик ва жасорат кўрсатган жангчилар номини рейхстаг деворларига найза билан ўйиб ёздилар. Пулемётчилардан Петр Агарков ва Иван Ермаковларнинг номлари дастлабки битилган ёзувлар эди.

Орадан йиллар ўтди. Дивизия командири генерал-лейтенант Шатилов Каримжон Исоқовга «Рейхстаг устида байроқ» номли хотиралар китобини тақдим этди. Собиқ жангчи китобни қўлига олар экан, унинг биринчи варағига ёзилган қуйидаги сатрларни ўқиганда қаттиқ ҳаяжонланди:

«Рейхстагга ҳужум иштирокчиси Каримжон Исоқовга. Сен иккинчи рота сафида боргандинг ва рейхстагга депутатлар кирадиган томондан биринчи бўлиб кирдинг. Сизлар —Л . Литемк, К. Исоқов, С. Токнов, А. Бородулин, Н. Долгов, Г. Пўлатов биринчи бўлиб фашистлар уяси зиналарига қадам қўйдингиз, ўз жасоратингиз ва мардлигингиз билан рейхстаг устига Ғалаба байроғини тикишга ёрдамлашдингиз... Сенинг номингни халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

В. М. ШАТИЛОВ».

Чиндан ҳам рейхстагга ўрнатилган Қизил байроқ Советлар юртининг Ғалаба байроғи, Совет Иттифоқи ва унинг армияси куч-қудратининг рамзий ифодаси эди. Бу тарихий миссияни полковник Ф. М. Зинченко командирлик қилган полк разведкачилари — жангчилар М. А. Егоров ва М. В. Кантария бажаришган эди.

Урушдан кейинги йилларда Каримжон Исоқов Наманган область ҳарбий комиссари бўлиб ишлади. Ёшларни Ватанга, халқимизга чексиз садоқат руҳида тарбиялашдек олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшди. Оташқалб коммунист пенсия ёшига етган бўлса ҳам ҳамон сафда. У область партия комитетида масъулиятли вазифани адо этмоқда. Қаҳрамонлар биз билан ёнма-ён, деб шуни айтадилар-да.

Каримжон ака рафиқаси Нафиса опа билан уч фарзандини вояга етказишди. Катта қизлари Элнура республика ички ишлар бошқармаси госпиталида терапия бўлими бошлиғи. Равшаной эса Тошкент давлат университетида аспирант. Ўғлилари Рустамжон Тошкент политехника институтини битирди. Ҳозир Қуролли Кучларимиз сафида ўз бурчини ўтамоқда.

Каримжон ака ўз фарзандларининг камолини кўриб қалби ғурурга тўлади. Бугунги бахтиёр кунлар учун курашганлар сафида бўлганидан беҳад қувонади.

Яна баҳор келди. Бу тинчлик ва бирдамлик байрами, баҳор байрамидир. Каримжон ака бу байрамни ўз қуролдошлари даврасида ўтказишга одатланган. Бугун у Москвада полкдошлари билан бирга байрам нашидасини сурмоқда. Чунки бу байрам Буюк Ғалабамиз баҳори, Ғалабамиз баҳорининг дебочасидир.

М. МУҲАМЕДОВА.

ҒАЛАБА ТЎҒРИСИДА

● Ғалабанинг қирқ йиллигига бағишланган кўрик-конкурсда қашқадарёлик халқ бахшилари ижросида совет халқининг жасоратига бағишланган янги асарлар янгради. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, деҳқонободлик ўқитувчи Зоир Қўчқоров биринчи ўринни олди. Кўрикда қатнашган Чироқчи мактабининг талабаси Азамат Нарзуллаевга «Конкурснинг энг ёш қатнашчиси» совғини берилди.

ЯНГИ ЭКСПОНАТЛАР

● Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов номи билан аталувчи Фарғона политехника техникумининг ўқувчи ва муаллимлари ёрқин байрам — Буюк Ғалаба куни арафасида генерал Собир Раҳимов хотираси кунини нишонладилар.

37-гвардиячи ўқчи дивизиянинг собиқ медицина ҳамшираси, ҳозир эса Марғилон музика мактабининг ўқитувчиси Ирина Владимировна Яворская генерал Собир Раҳимов билан учрашувлари ҳақидаги хотираларини сўзлаб берди.

Техникумнинг «Қизил изтопарлар»и Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор Собир Раҳимов кўмондонлиги остида хизмат қилган фронтчилар билан хат ёзишиб туришади. Изтопарлар фашист босқинчилари билан олишувда ҳалок бўлган жангчи С. Раҳимовнинг ҳаёти ва қаҳрамонона тақдири ҳақида сўзловчи ҳужжатлар ва фотосуратларни тўпладилар. Бу материалларнинг ҳаммаси Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида очиладиган жанговар шуҳрат музейида намойиш қилинади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИГА

Ёзувчи минбари

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

ХОТИРА

ЖАМИЯТ ВА ХАЛҚ ТАҚДИРИГА дахлдор кечмиш инсон хотирасига омил бўлади, маънавий мулкка айланади. Буни муқаддас ва мутлақ ҳақиқат, дейдилар. Улуғ Ғалабанинг шонли санаси — 9 Май ана шундай унутилмас, мутлақ ҳақиқат ва инсон хотирасининг муқаддас мулки бўлиб қолган! Ўша шонли сана, вақт эътибори билан биздан қанча узоқлашса, тоғ чўққилари каби шунча баланд, маёқлар янглиғ ёрқин тиниқ бўлиб кўринаверади.

Буни кўҳна тарих тан олган.

...Инсоният ўзининг беш минг йиллик ҳаётида ўн тўрт минг марта қирғин урушларни кўрди. Ўша урушлар оловида неча-неча шаҳарлар ёниб битди, унинг зарбидан не-не давлатлар йўқолиб кетди. Ўша урушларда қирилган одамларнинг сони ҳозир ер юзида яшаб турганларнинг сонидан бир неча бор ортиқ.

Бу урушларнинг бирортаси кўлами, унда иштирок этган кучи-ю, қурол-яроғи, ғояси ва оқибат-натижаси жиҳатидан Улуғ Ватан урушига тенг келолмайди!

Бу уруш қарама-қарши синфлар уруши, адолат билан жаҳолат уруши, машъум тузум билан дориламон эркин жамият ўртасидаги аёвсиз кураш бўлди. Коммунистик партия раҳнамолигида совет халқи ғалаба қозонди. Бу ғалаба Европани фашизм балосидан қутқарди.

Совет халқи, Европа халқлари, инсоният хотирасида ўрнашиб қолган бу ҳақиқатни унутиб бўладими? Асло!

Ғалаба йўли нақадар қийин, оғир йўл бўлганини, ҳар минутда жон олиб жон берганимизни ким унутибди?! Ахир, биз Буюк Ғалабага бир минг тўрт юз ўн саккиз кеча-кундуз гоҳ чекиниб, гоҳ ҳужум қилиб, оловли сўқмоқлардан ўтиб бордик. Ажал ўқи ёғилиб турган дотни ўз танаси билан тўсган ва жанговар ротасига йўл очиб берган Александр Матросов жасоратини унутиб бўладими! Фашист самолётига гуфчак уриб, таран қилган ва шу билан муҳим объектни фашист бомбаларидан асраб қолган учувчи Гастеллонинг номи унут бўлармиди! Артбатареяда бир ўзи қолиб, фашист «тигр»лари билан ёлғиз жанг қилган, охирги снарядини ҳам отиб бўлгач, бир бойлам граната билан ўзини танк остига ташлаган ва уни ҳам портлатиб, фашистлар йўлини тўсган баҳодир Шаландинни ким ёдламайди!

Бу онгли зарурат жасорати урушнинг ҳар бир минути ва дақиқасида такрорланиб турганини қайси биримиз унута оламиз!

КЎПИНЧА, «УРУШДА нималар хотирангизда қолган?» деб сўрайдилар. Урушнинг ўзи хотира, унинг ҳар бир дақиқаси хотира, негаки жангларда ҳар минут, ҳар секундда улкан воқеа содир бўлиши мумкин. Шунинг учун уруш минут ва секундлар жадвали билан иш юритади. Улуғ Ватан урушининг ҳар бир минутида ўрта ҳисобда биттадан ортиқ одам йўқотдик, ҳар минутда неча-неча янги жасорат намоён бўлди. Ёдимда: Смоленск йўлида капитан Флеровнинг «катюша»лар батареяси бир залп билан фашистларнинг бутун бошли полкини ярим минутда қуйдириб ташлаган эди. Иккинчи жаҳон урушидаги мудҳиш воқеа — Нагасаки ва Хиросима фожиаси ҳам минут ва секундларнинг «иши» эди. Иккинчи жаҳон уруши эллик миллион одамнинг ёстиғини қуритди. Озмунчами бу?!

Иккинчи жаҳон урушининг энг оғир «арава»сини биз тортдик; кўп қурбон бердик. Бироқ ҳалок бўлганларнинг ўрни ҳамон билиниб турибди. Корхона-ю, далаларимизда ҳамон ишчи кучи етишмай турган экан, бу — ўша, фронтларда қурбон бўлган йигирма миллион баҳодирнинг туғилмай қолган ўғил-қизи, неварасининг ўрни. Уларнинг ўрни ҳамиша билинади, зеро, бундай тарихий камомадни унутиб бўлмайди.

Урушдан Ғалаба билан қайтганлар тинчлик фронтининг меҳнат жабҳаларида жонбозлик кўрсатдилар. Эндиликда ана шу — уйида «бобо» деб аталувчи, кўчада ҳурматли ветеран, корхонада ардоқли устоз ҳисобланган собиқ фронтчиларнинг учдан бир қисмигина орамизда. Ўзбек халқининг кўплаб фарзанди гитлеризмга қарши жанг қилди. Қайтмаганнинг уйларига келган «қора хат»лар эса унутилганича йўқ, улар ота-она, вафодор ёр, бола-чақа ва қариндош-уруғлар қалбида сувайдо бўлиб турибди.

Дунё тан олган, тарих муҳрлаган бу мутлақ ҳақиқатдан кўз юмувчи кўрнамаклар, «туя кўрдингми, йўқ» қабилида иш тутувчи жанобларга мутлақ ҳақиқатнинг аччиқ сабоқларини ҳамиша эслатиб турмоқ зарур!

Ғалабанинг қирқ йиллиги арафасида фашистлар Германиясига қарши урушдаги бизнинг иттифоқчиларимиз ҳамма нарсани унутиб, тўнларини тескари кийиб олдилар. Йўқ! Йўқ! Қрим конференциясида Америка Қўшма Штатлари иштирок қилмаганмиш. Унда фақат ўша кездаги президент Рузвельт қатнашган эмиш. Ўз давлати номидан имзо чекиб, давлат муҳрини босган президент қарори, Иккинчи жаҳон урушининг якунлари, Европанинг ҳозирги чегараси бекор қилиниши керак эмиш. Президент Рузвельт большевикларга сотилган эмиш. Ана сизга рейганча «ҳақиқат».

Хотирангизга маҳкам жо қилиб олинг, жаноблар. Европанинг чегараси Вашингтоннинг Оқ уйида ёки Лондондаги консерваторлар маҳкамасида тузилмайди! Европанинг ҳозирги чегараларини тарих тузган!

Наҳот, Европани бошқатдан қурмоқчи, бутун дунё чегарасини «олий ирқлилар чегараси» қилиб олмоқчи бўлган «жаҳон фюрери»нинг фожиали тақдири унутилган бўлса! Афсус!

ГФР ҳукуматининг бошлиғи Г. Коль 1945 йил 8 май санасини «Германия тарихининг энг тубан нуқтаси» деб эълон қилди. Христиан-демократик иттифоқ бош секретари, ГФРнинг ёшлар, оила ва соғлиқни сақлаш ишлари бўйича министри Х. Гайслер миллионларнинг қирилишида фашизмнинг айби йўқ, «гитлерчиларнинг қирғинлик лагерларида қирилиб кетган пацифистлар ўлимларига ўзлари айбдордирлар», деди ХДС/ХССнинг бундестагдаги фракцияси раиси А. Дреггер учун эса, фашизм устидан қозонилган ғалаба куни «ҳалокат куни» эмиш, чунки унинг ва Гайслернинг фикрича, «фашистларнинг марксизмни йўқ қилишдан иборат мақсади амалга ошмай қолган»миш. Гитлер амалга оширолмай қолган қора ниятни унинг меросхўрлари амалга оширишлари учун қасос олишлари керак эмиш.

БУНДАН ҚИРҚ БЕШ йил илгари, Совет Иттифоқига хоинона тажовуз бошлаш олдида Гитлер қандай найранг ишлатиб, немис халқини нималар билан чалғитган бўлса унинг меросхўрлари ҳозирги кунда «қасос олиш» машқини ҳам ана шундай бошламоқдалар.

Фашизм устидан ғалаба қозонишда иттифоқчи бўлган Америка Қўшма Штатлари, Англия эндиликда фашист реваншчиларининг таянчи, иттифоқчиси бўлиб майдонга чиқиши халқлар хотирасига хиёнат қилишдан бошқа нарса эмас! Гитлер фашизми большевизмни йўқ қилиш учун юриш бошлаган эди, ўзи йўқ бўлди. Энди унинг меросхўрлари коммунизмни йўқ қилиш ниятида СССРдан ҳарбий устунликка эришмоқчи. Шу ниятда улар Европани, ер юзининг бошқа районларини ўргимчак уясидай ядро қуроли аслаҳаҳоналари билан ўраб олдилар. Бу билан ҳам тингчиганлари йўқ. Энди фазони ҳам «юлдузлар уруши» фронтига айлантирмоқчи бўляптилар.

Қирқ йил урушсиз яшадик. Қандай яхши!

Инсоният зиммасидаги энг улуғ вазифа; қуролланиш пойгасини тўхтатиб, ажал қуролларини қуйдириб ташлаши керак!

• ЛУҚМА

ДЎППИ ТОР КЕЛГАНДА

Эшитмадим деманглар! Зўр ихтиро бўлибди. Қирқ йилдан бери қилни қирқ ёрадиганлар ҳам эплай олмаган ишни бундесвернинг ҳарбий тарихий тадқиқотлар бошқармаси ходимлари бажаришибди. «Совет Иттифоқига юриш» деб номланган асарни ёзиб «биринчи марта Германиянинг Совет Иттифоқи билан урушининг ҳақиқий тарихини» ўрганишни бошлашибди. Хўш, бунисига нима дейсиз? Уларгача ҳеч ким бу мавзуда карвонбошилик қилганми? Бўлмаса нега бирон зот бу «ихтирочилар»нинг мушугини пишт демайди?

Коса тагида нимкоса дейишганидек, бу ерда гап бошқа нарсада. Ҳозир АҚШ ёки ГФР, Англия ёки Японияда ушбу мавзуда оғиз кўпиртирадиганлар кўп. Қилган иши тирноқчаю, ваҳимаси филча «тадқиқотчи»ларнинг бу мамлакатларда бозори чаққон. «Иккинчи жаҳон урушида АҚШ армиялари» тарихи бўйича 85 жилд китоб ёзилди. Англияда эса «Иккинчи жаҳон уруши тарихи»га оид 80 жилд асар яратилди. Бизнинг қаеримиз кам, дея Японядаги миллий мудофаа бошқармаси ходимлари «Буюк Шарқий Осиёдаги урушнинг расмий тарихи»ни 96 жилдга етказишди.

Хўш, шундай экан, Ғарбий Германиядаги тарихчилар нега қараб туришаркан? Бундесвер тарихчилари ўйлаб-ўйлаб кам ёзайлигу хўп ёзайлик дея «Германия рейхи ва иккинчи жаҳон уруши» мавзуида 10 жилдлик асар битишга бел боғлаб, икки жилдни босмадан чиқаришди. Кейин бундоқ қарашса улар ошни пиширгунча бошқалар лаҳмни уриб кетадиган. Учинчи жилд қолиб тўртинчисини чоп этишди. Сарлавҳани айтмайсизми? Совет Иттифоқига ҳужум эмас, балки «Совет Иттифоқига юриш». 1192 саҳифада юзаки илмий-ҳужжатли далил ўрнида 4800 изоҳ ўрин олди.

Хўш, бу асардаги гапнинг пўст калласи нима? Қандай ихтиро бор?

Юзаки илмий ва объектив либос остида ГФР тарихчилари Германиядаги фашизм раҳбарларини оқлашга уринишади. Гитлернинг СССРга қарши уруши нацизмнинг агрессив сиёсатидан келиб чиққанлиги яширилади. Гўёки бу урушни стратегик вазиятдан йўл ахтариш келтириб чиқарганмиш. Яна гўёки Гитлер ҳарбий вазиятни ўрганишда бош штаб ва генераллар билан ҳисоблашмай қўйганидан уруш бошланибди.

Тағин қандай ихтиро бор дейсизми? Бу тарихчи лофчилар ёзишича, Гитлер СССРга уруш очишидан мақсад Англияни қитъада немис гегемонлигини тан олишга мажбур қилдириш экан. Мабодо шу мақсад амалга ошса унда Гитлер АҚШ билан урушга киришган бўлар экан.

Бу китоб муаллифлари 1941 йил ёзида Гитлер айтган гапларни мароқ билан такрорлашади: «Биринчи мақсадимиз—ҳукмронлик, иккинчиси бошқариш, учинчиси эса эксплуатация қилиш». Ихтирога даъвогар асар худди шу Гитлернинг қўйидаги сўзлари билан якунланди: «Жаҳонда Европанинг гегемон бўлиш учун кураши рус майдонини эгаллаш билан ҳал этилади». Бундесвернинг «ихтирочи тарихчилари» фашист қўшинларининг СССРга қарши кураши биринчи босқичдаги мағлубиятни ёритишда чор-ночор баъзи фактларни тан олишади. СССР халқлари моддий ва маънавий кучларини Гитлер ва унинг генераллари аниқ ҳисобга олишмаганини эътироф қилишади. Лекин бу эътироф тагида бошқа маъно бор. Улар СССРга қарши урушни ўйлаётганларга келгусида иш бериб қолувчи тахминларни олға суришади. «Ди цайт» газетаси очиқ эътироф қилганидек, бу муаллифларнинг фикрлари «бўлғуси бош штаб ходимлари учун ҳарбий ўйинда асқотиши мумкин».

Мана, сизга ихтиро сири! «Совет Иттифоқига юриш» деб номланган бу уйдирма империалистик доираларнинг СССРга қарши ғоявий хуружидан бошқа «ихтиро» эмас. Тарихни сохталаштириш бобида енг шимариб ишлаётган қаллоблар учун бой озуқа берувчи бу асар беҳуда пайдо бўлгани йўқ. Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини бутун тараққийпарвар инсоният кенг нишонлаётгани Ғарбдаги ҳукмрон капитал корчалонларига ёқмаслиги равшан.

Лекин буржуа тарихчилари ҳар қанча уринмасин ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Буюк Ғалабамиз шон-шуҳрати ҳар қандай уйдирмадан устун. Чунки у тарих ҳақиқатидир.

Ҳ. СОДИҚОВ.

ҒАЙРАТИ ЁШЛАРГА ХОС

Тошкент шаҳрида ажойиб бир оила яшайди. Бу оилага Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарларидан хатлар, телеграммалар келиб туради. Бунинг боиси бор, албатта. Оила бошлиғи, Улуғ Ватан уруши ветерани, медицина хизмати майори Мурод Араббоев қанчадан-қанча жангчиларни сафга қайтарган, ҳаётини сақлаб қолган. Кези келганда қўлига қурол олиб жанг қилган.

Гитлерчилар она-Ватанимизга бостириб кирганида у Самарқанддаги медицина институтининг охирги курсида таҳсил кўраётган эди. Араббоев кўнгиллилар қаторида фронтга йўл олди. У ўз жанговар йўлини Смоленск остоналаларида оддий солдат ва санинструктор сифатида бошлади. Сўнгра Куйбишевдаги ҳарбий медицина академиясига ўқишга юборилди. Уни тугатгач 78-дивизиянинг 1030-артиллерия полкида ҳарбий врач бўлиб хизмат қила бошлади. Кейинчалик 458-пиёда аскарлар полкида санитария ротаси командири, полкнинг бош врачи вазифаларини бажарди. Ғарбий, Украина фронтларида кўплаб солдат ва офицерларга қайта умр бахш этди .

— Эсингдами, — деб ёзади дивизия медицина хизмати бошлиғи Т. Я. Моисеенков Мурод акага йўллаган хатларидан бирида, — ўқ ёмғири ости демай, аланга ичида демай жангчиларга биринчи медицина ёрдами кўрсатганларимиз...

Ҳа, душманнинг ўқ ва снарядлари портлаб турган бир пайтда ярадорларга ёрдам беришнинг ўзи бўлмаган.

Мурод ака уруш хотираларидан бирини шундай эслайди:

— 1943 йил, февраль. Дивизиямиз Украинанинг Райалександровка ва Николаевка аҳоли пунктларини мудофаа қилиб турарди. Эрта тонгда дивизиямизга қарши фашистлар иккита танк дивизияси ва битта пиёда аскарлар дивизиясини қарши ҳужумга ташлади. Уч кечакундуз қаттиқ жанг давом этди. Душманнинг 45 танк ва бир неча бронемашинаси ишдан чиқарилди. Бироқ кучлар тенг бўлмаганлиги сабабли чекинишга мажбур бўлдик. Гитлерчилар бизнинг санитария ротамиз жойлашган Михайловка қишлоғига ҳам ҳужум қила бошладилар. Шунда мен офицер сифатида қўлимга қурол олиб енгил ярадорлар билан жангга кирдим. Бир кеча-кундуз гитлерчиларни қишлоққа йўлатмадик. Ярим кечага бориб ярадорлар билан санитария қисми хизматчиларини душман қуршовидан олиб чиқдик. Дивизиямиз қайтадан куч тўплаб, душманни яна чекинишга мажбур қилди. Ана шу жангда кўрсатган хизматларим эвазига менга «Жанговар хизматлари учун» медали берилди.

Мурод аканинг жанговар ҳаётида бундай воқеалар жуда кўп. У Руминия, Венгрия, Югославия шаҳар ва қишлоқларини фашист босқинчиларидан тозалашда фаол қатнашди. Совет қўшинлари рейхстагга Ғалаба байроғини тикканларида М. Араббоев Австрия тоғларида халоскорлик бурчини адо этарди.

Икки марта ярадор бўлган, оғир контузияни бошидан кечирган Мурод аканинг кўксини Қизил Юлдуз ордени ва қатор жанговар медаллар безаб турибди.

Медицина хизматининг истеъдодли майори М. Араббоев, мана қирқ йилдирки, халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Ҳозир у «Ташминводи» физиотерапия касалхонасида врач. Меҳрибонлиги, хушмуомалалиги билан беморлар олқишига сазовор бўлмоқда.

К. ЮМАЕВА.

ҚОН-ҚАРДОШЛАР

Улуғ Ватан уруши йилларида юзлаб ўзбек оилалари уруш туфайли етим қолган жуда кўплаб, рус, белорус, украин болаларини ўз бағриларига олдилар. Бухородаги «Ленинизм» колхозида турувчи Носир Рўзиев 1941 йилнинг ўша аёзли куз кунини яхши эслайди . У колхоз аравасида район маркази — Ғиждувонга Украинадан кўчириб келтирилган етим болалар олдига борганди. Носир Рўзиев колхозига келтирган икки нафар болакайни колхоз раиси Шароф Қурбонов оиласи ўз тарбиясига олди. Қизни Валя Попадченко деб аташарди. Унинг ҳужжатлари сақланиб қолган эди. Ўғил боланинг эса ҳали тили чиқмаган, унинг ҳужжатлари немис фашистлар болалар тушган эшелонни бомбардимон қилган пайтда нобуд бўлган эди. Шунинг оқибатида унинг исми ва фамилиясини аниқлашнинг иложи бўлмади. Унга Шукур, дея ном бердилар. Фамилияси Шаропов, деб атала бошланди.

Орадан кўп ўтмай раис ҳам фронтга кетди. Раиснинг колхозда сигир соғувчи бўлиб ишлаётган рафиқаси Рўйбиби Валя, Шукур ва ўзининг икки нафар фарзанди — Тўла ва Эркинни боқиб катта қилди. У пайтларда аёлларга нақадар қийин бўлганлигини тасаввур қилиш қийин. Улар ўзлари учун ва урушга кетган эрлари учун ҳам ишлашар, чигит экишар, пахта теришар, ғалла етиштирардилар.

Шароф ва Рўйбибининг оламдан ўтганларига анча бўлди. Бироқ колхозда эндиликда қирқ киши Шаропов фамилияси билан юради. Валентина билан Шукур — ҳозир эр-хотин. Беш фарзандининг учинчи авлоди — Тўла, Эркин, Шукур ва Валентинанинг набиралари ўсиб улғайишяпти. Уларнинг кўпчилиги Валентина мудирлик қилаётган болалар боғчасида тарбияланади. В. Попадченко колхознинг ҳурматли кишиларидан. У — район Советининг депутати. Валентина орадан қирқ йил ўтгач, Харьковда яшаётган ўз опа-сингиллари: Галина ва Елизаветани қидириб топганида ҳамқишлоқлари қувончига-қувонч қўшилди.

Суратда: Шукур Шаропов, Валентина Попадченко, Тўла ва Эркин Шароповлар.

Б. Юсупов ва А. Усмонов фотоси (ЎзТАГ).

ФРОНТЧИЛАР ТАШАББУСИ

● Сирдарё областидаги Комсомол районининг «Ленинград» совхози тўртинчи бўлимида хотира боғи барпо этилди. Собиқ фронтчилардан Малик Мирзақулов билан Убайдулла Бўроновлар бу боғни барпо этиш ташаббускори бўлишди. Хўжалик ёшлари мазкур ишларда актив иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

МЎЛ ҲОСИЛ ОМИЛЛАРИ

ЧИГИТНИ БИР ТЕКИС УНДИРИБ ОЛИБ, ДАСТЛАБКИ ПАРВАРИШНИ ЎЗ ВАҚТИДА, СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

Чигитни яхши тайёрланган далаларга қулай муддатларда экиб олиш мўл ҳосил йўлидаги муҳим ишнинг бошланиши, холос. Асосий вазифа — чигитнинг қийғос униб чиқиши учун етарли шароит яратиш ва ёш ниҳоллар серавж ривожланишини таъминлашдан иборат.

Экин майдонларининг яхши тайёрланмаслиги, уруғликнинг қуруқ жойга тушиб қолиши, намнинг етарли бўлмаслиги, ёғин-сочинлар туфайли ер бетида қатқалоқ пайдо бўлиши чигитни ўз вақтида ундириб олишга тўсқинлик қилади. Ғўза ниҳоллари турли касалликлар билан зарарланишига сабаб бўлади.

Шунинг учун экишдан кейин ҳар бир картанинг ҳолатини мунтазам текшириб туриш лозим. Чигитнинг униб чиқиши ва ғўзаларнинг ривожида қолоқлик аниқланса, уларни тезда бартараф этиш зарур.

Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, бўлиқ кўсак ғўзанинг пастки шохларида пайдо бўлади. Афсуски, кейинги йилларда пайкалларда ғўзанинг ҳосил тўплаши, уларнинг ғўза тупларида жойлашиши, етилиб очилишидаги номувофиқлик кузатилмоқда. Яъни ғўзанинг пастки шохларидаги ҳосил нишоналари тўкилиб кетиб, асосий ҳосил ғўза тупининг юқори қисмида сақланиб қолган кўсаклар ҳисобига тўғри келмоқда. Ёки ғўза тупидаги остки биринчи—учинчи, ҳатто тўртинчи ҳосил шохларида сақланиб қолган кўсаклар ҳам кўпинча чиртаки бўлиб очилмоқда. Бундай ҳол пахтанинг фақат салмоғигагина эмас, балки тола ва чигитнинг сифатига ҳам салбий таъсир қилмоқда.

Маълумки, ғўза тупида ҳосил нишоналари чигит униб чиққандан сўнг бир-бир ярим ой ичида шаклланади. Биринчи шона кўзга кўринганда, ғўзада йиғирмадан ортиқ шона шаклланган бўлади.

Шу даврда **ғўзанинг биологик талаблари тўлиқ қондирилиши, яъни ёш ниҳоллар нормал иссиқлик, ёруғлик билан, тупроқ етарли миқдорда озуқа ва намлик билан таъминланиши лозим.** Бу ҳосил нишоналари ҳисобига келгусида бўлиқ ва эртаги кўсаклар етилишига замин яратади.

Бундай кўсаклар ёз давридаги фавқулодда юз берадиган ноқулай шароитларга бардошли бўлади.

Борди-ю, ёш ниҳолларнинг яхши ўсиши учун шароит яратилмаса, ғўза «қизил поча» бўлиб қолса, ҳашарот ва касалликларга чалинса, эрта вужудга келган ҳосил нишоналари, кейинчалик озгина ноқулай шароитда ҳам тўкилишга мойил бўлади. Ғўза бўйчан, сершох, сербарг бўлгани билан кам кўсак тўплайди ва улар кеч етилади.

Ўсиш шароитларига қараб чигитли пахта салмоғи ғўза тупи умумий массасининг 25 процентдан то 60 процентигачани ташкил этиши мумкин. Ғўзалар қисқа бўғинли бўлса, чигитли пахта салмоғи шунча кўп бўлади. Шунинг учун қуйидагиларга катта эътибор бериш зарур.

Чигит экишдан кейин ҳосил бўладиган қатқалоқни тупроқ етилиши билан «зигзаг» борона ёки ротацион мотигалар ёрдамида юмшатиш лозим. Қатқалоқ униб чиққан ниҳолларни ҳам қаттиқ зарарлайди. Бунда тупроқ ротацион юлдузчалар билан жиҳозланган культиваторлар ёрдамида юмшатилади. Қатқалоқни юмшатиш муддати 3 кун кечикса ҳосил 10 процент, 6 кун кечикса 27 процентгача камайиб кетиши тажрибада исботланган.

Чигит экилгандан сўнг тупроқда нам етарли бўлмаса чигит суви беришга тўғри келади. Чигит суви оз нормада (гектарига 600-700 кубометр) эгат оралатиб, жилдиратиб оқизилади. Чигит сувидан кейин ер етилиши билан қатор ораларини ишлашни эрта бошлаш катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Ишловни кечиктириб бошлаш ҳосилни 20 процентгача камайтириб юборади.

Қатор ораларига эрта ишлов бериш, бегона ўтларни батамом йўқотиш, зарур бўлса чопиқ қилиш, тупроқ бетини майин, донадор ҳолда сақлаш ғўзаларнинг серавж ривожланишини таъминлайди.

Қатор ораларни ишлашда ғўзаларнинг ривожи, тупроқ шароити ва далани ўт босишини ҳисобга олиб культиваторларнинг ишчи органларини тўғри танлаш ва уларни керакли кенгликда ҳамда чуқурликда ўрнатиш жуда муҳимдир. Ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов беришда культиваторларнинг четки ишчи органлари чуқурлиги 6-8 сантиметр бўлиши керак. Ўт босган майдонларда культиваторга пичоқлар тақиш тавсия этилади. Бунда тупроқни қатламқатлам юмшатишни таъминлайдиган ККО ишчи органларидан фойдаланиш жуда муҳимдир. Натижада тупроқ майин ишланади, кесак кўчмайди, тупроқда нам яхши сақланади.

Дастлабки культивацияни унча чуқур ўтказмаган маъқул. Акс ҳолда культиваторнинг ишчи органлари ёш ниҳоллар илдизини шикастлаши мумкин.

Дастлабки культивацияни ёппасига ўт боса бошлайди. Натижада ёш ниҳоллар нимжон бўлиб ўсади.

Тажрибалар ғўза қатор ораларини ишлашни эрта бошлаш катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Ишловни кечиктириб бошлаш ҳосилни 20 процентгача камайтириб юборади.

Қатор ораларига эрта ишлов бериш, бегона ўтларни батамом йўқотиш, зарур бўлса чопиқ қилиш, тупроқ бетини майин, донадор ҳолда сақлаш ғўзаларнинг серавж ривожланишини таъминлайди.

Қатор ораларни ишлашда ғўзаларнинг ривожи, тупроқ шароити ва далани ўт босишини ҳисобга олиб культиваторларнинг ишчи органларини тўғри танлаш ва уларни керакли кенгликда ҳамда чуқурликда ўрнатиш жуда муҳимдир. Ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов беришда культиваторларнинг четки ишчи органлари чуқурлиги 6-8 сантиметр бўлиши керак. Ўт босган майдонларда культиваторга пичоқлар тақиш тавсия этилади. Бунда тупроқни қатламқатлам юмшатишни таъминлайдиган ККО ишчи органларидан фойдаланиш жуда муҳимдир. Натижада тупроқ майин ишланади, кесак кўчмайди, тупроқда нам яхши сақланади.

Дастлабки культивацияни унча чуқур ўтказмаган маъқул. Акс ҳолда культиваторнинг ишчи органлари ёш ниҳоллар илдизини шикастлаши мумкин.

Кейинги культивацияни ғўзалар мустаҳкамланиб олгандан сўнг чуқур ўтказса ҳам бўлаверади.

Мўл ва эртаги ҳосил етиштиришда тупроқ шароитлари, экилаётган навнинг биологик хусусиятларини қатъий ҳисобга олган ҳолда кўчат қалинлигини тўғри белгилаш жуда муҳимдир.

Далаларда нормадаги кўчат тупларининг кам бўлиб қолиши ёки ортиқча қолдирилишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Гектарлар тўлиқ бўлиши, далада бир метр жой ҳам бўш қолмаслиги керак.

Аввало, униб чиққан ўсимликларнинг нормал қалинликда бўлишига эришиш керак. Бироқ ҳамма вақт ҳам чигит бир текис униб чиқмайди. Шу туфайли баъзан хато ерларга чигит экишга тўғри келади. Бу ишни, иложи борича эртароқ ва жуда қисқа муддатда ўтказиш лозим. Олага экишни 15-20 майгача ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу муддатдан кечикса, олага, экилган ўсимликлар, илгари чиққан ғўзалар соясида қолиб кетади, нимжон бўлиб, кўсак олишга улгурмайди, ҳатто эртаги униб чиққан ғўзаларнинг серҳосил бўлиб ўсишига ҳалақит беради.

Кейинги йилларда ғўза тупларини нормадагидан ортиқ қолдириш ҳоллари содир бўлаётир. Бунда ғўза бўйчан, бўғин оралиқлари узун, сербарг бўлиб, ғўза тупининг қуйи ва ўрта қисмида дастлаб пайдо бўлган ҳосил шохларига ва улардаги ҳосил нишоналарига қуёш нури яхши тушмаганидан шона ва кўсаклар тўкилиб кетади. Кузатишларга қараганда далада ғўза туплари керагидан ортиқча қолдирилганда 15 процент ғўза тупи мутлақо кўсаксиз, шунча миқдордаги тупда 1-3 тагина кўсак бўлган. Бундай ортиқча қолдирилган ҳосилсиз ғўзалар бегона ўт билан баробар, у нормал ғўзаларнинг ўсишига ҳалақит беради.

Тажрибалардан маълумки ғўза зарур бўлган озуқа моддаларининг асосий қисмини ҳаво ва қуёш нури орқали ўзлаштиради.

Фотосинтез туфайли ўсимликнинг барг орқали озиқланиши, илдиз орқали озиқланишига нисбатан 15 баробар кўп. Бу жуда муҳим кўрсаткич. Демак, ғўзага, айниқса, унинг остки қисмларига қуёш нури яхши тушишига, ўсимлик ораларидан ҳаво яхши ўтиб туришига эришсак мўл ва эртаги ҳосил етиштириш имконига эга бўламиз.

Демак, ғўза тупларининг оптимал қалинликда, қуёш нуридан яхши баҳраманд бўлиши, барг ва илдиз орқали етарли миқдорда озиқланишига эришиш дастлаб ҳосил бўлган кўсакларнинг шаклланиши ва сақлаб қолишишни таъминлайди.

Яганалашни ғўзаларда 1-2 чинбарг чиққанда бир йўла ўтказиш яхши натижа беради. Ягана қанча кечикса, илдизлар бир-бирига шунча кўп чирмашади, юлиб олишда, қоладиган ғўза илдизлари шунча кўп шикастланади.

Тажрибалар яганада ғўзани якка тупдан қолдириш ҳосил мўл ва эртаги бўлишини кўрсатмоқда. Шунинг ҳисобга олиб, икки уя оралиғи бирмунча узайса ҳам бир уяда бўш жой ҳисобига 2 та, ҳатто 3 та бўлиқ ғўза тупи қолдириб кетилиши керак.

Бу йил баҳорда ёғин-сочин кўп бўлиши туфайли, экиш олдидан бажариладиган ишлар ва экишни сернам тупроқда ўтказишга тўғри келди.

Ерни экишгача намроқ ҳолда ишлаш ва техниканинг даладан кўп марта ўтиши чигит экилган қатлам остида, тахминан 10-20 сантиметр ораликда, ўта зичланган қатламни вужудга келишига сабаб бўлади. Бу зич қатлам, қатор ораларни юмшатишда ҳам четда қолади. Шу боисдан ёш ниҳоллар илдизи бу қатламни кесиб ўтиши қийин бўлади, оқ илдизларнинг пайдо бўлиши тўхтайди. Натижада ғўза «қизил поча» ва «танга барг» бўлиб қолади. Ғўза илдизлари зичланган қатламдан чиқиб олиб, то янги оқ илдизлар отгунча, ғўза ўсишдан бутунлай тўхтаб қолади. Ғўза илдизи зичланган қатламни тарк этиб, оқ илдизлар ота бошлагандан сўнг ўсиш тезлашади, аммо дастлабки ўсишни тўхташи келгусида ўзининг салбий таъсирини йўқотмайди.

Масалан, бир вақтда экилган, лекин «қизил поча» бўлган ғўзанинг бўйи 6 майда 6,5 сантиметр, барглар миқдори — 4,9 дона бўлганида ҳолда, «қизил поча» бўлмаган ғўзада бу кўрсаткичлар 9,7 сантиметр ва 7,0 донани ташкил этади. Августда «қизил поча» ва «танга барг» бўлган ғўзаларда ўртача 2,2 дона, «қизил поча» бўлмаган ғўза тупларида 5,3 дона кўсаклар саналган.

Шунинг учун дастлабки ишловни ғоят сифатли ўтказиш, айниқса, кейинги кунларда ҳароратнинг кескин кўтарилиб кетганлиги туфайли суғоришга алоҳида эътибор бериш керак. Ғўза, суғорилганда зич қатлам юмшаб, ғўзанинг оқ илдиз отиши тезлашади, ўсимлик жадал ўсиб, «қизил поча»дан ҳоли бўлади.

Ёш ниҳолларни зарарли ҳашаротлар, айниқса, трипс, шира, ўргимчакканалар билан зарарланиши ғўзаларнинг ривожига салбий таъсир этади, улар нимжон бўлиб қолади. Бундай ғўзаларнинг шонага кириши 10-15 кун кечикиб кетади ёки эртаги ҳосил нишоналари тўкилиб кетади. Шунга кўра асосий манба ҳисобланган уват, ариқ ва йўл ёқаларидаги бегона ўтларнинг химиявий ишлов бериш йўли билан батамом йўқотилишига эришмоқ керак.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, дастлабки парваришни эрта ва сифатли ўтказиш ғўзаларнинг бўлиқ, серавж бўлиб ўсиши, мўл ва сифатли пахта ҳосили етиштиришни таъминлайди.

М. МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

А. ЗОКИРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари докторн.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходим: ички касалликлари бўлинмаси (медицина фанлари кандидати);

кичик илмий ходимлар: ички касалликлари бўлинмаси, педиатриянинг медицина—социал муаммолари лабораторияси.

Конкурс муддати—2 майгача.

Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: 700046, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, Талант проезди, 3—уй.

●

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

юқумли касалликлар мутахассислиги бўйича **клиник ординатурага;**

эпидемиология мутахассислиги бўйича **кундузги аспирантурага;**

юқумли касалликлар мутахассислиги бўйича **сиртқи аспирантурага**

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар 17 майгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар, низомга мувофиқ, қуйидаги адресга юборилсин: 700133, Тошкент шаҳри, Решетов кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 42-32-22, 42-32-15.

●

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА **6 май соат 15.00 да Пўлат МЎМИН асари.**

Надим НОРХЎЖАЕВ музикаси.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

«ТУЯҚУШ БОЯҚИШ»

(II пардали музикали эртак)

Саҳналаштирувчи режиссер — Н. САЙДХОНОВ.

Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. ХАЛИЛОВ.

Режиссёр — Н. РУСТАМОВ.

Рассом — С. БЕКМАТОВ.

Балетмейстер — Ш. АҲМЕДОВ.

Хормейстер — Қ. САЪДУЛЛАЕВ.

Режиссёр ёрдамчиси — Р. МУҲИТДИНОВА.

РОЛЛАРДА: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. МИРЗАЕВА;

Солистлар: А. МАМАРАСУЛОВ, Д. САФАЕВА, С. РАҲИМЖОНОВ, Р. СОЛИХОВ, Н. РУСТАМОВ, Ж. ИЎЛДОШЕВА, Р. МАДИЕВ, М. САЛИМОВ, З. МИРЗАБОЕВА, Т. БЕКНАЗАРОВ, А. САЛИМОВ, О. ҒОЗИЕВА, М. УМАРОВА, П. УМАРОВА, М. ИЎЛДОШЕВА ва бошқалар.

●

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/V да **Бўрон**, 5/V да **Масхарабозлар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/V да **Отелло**, 5/V да **Маршал Жуков.**

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

МАВСУМНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАБ

Деҳқонобод районидаги «Деҳқонобод» совхози чорвадорлари қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунладилар. Улар ҳар юз бош совлиқдан 105 тадан қўзи олишга муваффақ бўлишди. Эндиликда хўжаликдаги чорванинг жами бош сони 33 мингтага етди. Бундай ютуққа деҳқонободликлар кўкламги мавсумга пухта ҳозирлик кўришганлиги, чорвани қишловдан тўқ ва соғлом олиб чиқишганлиги туфайли эришишди.

Суратларда: I. Октябрь Революцияси ҳамда Меҳнат Қизил Байроқ орденлари нишондори, тажрибали чўпон коммунист Амир Тоштемиров. 2. Териларни қуритиш пайти.

Р. Шагаев ва Ш. Шаропов фотолари (ЎзТАГ).

СУТ НЕГА ОЗ?

Боғот райони чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида сигирларнинг маҳсулдорлигини ошириш, сут етиштиришни кўпайтириш юзасидан юксак мажбуриятлар қабул қилганлар. Хўжаликларнинг раҳбарлари, ферма ходимлари социалистик мажбуриятни тасдиқлаш вақтида қўл кўтарибгина қолмай, қарсак ҳам чалганлар. Аммо ким қандай ишлаганлигига ваъдалар ва қарсакларга қараб эмас, конкрет натижаларга қараб баҳо берилади.

Мана, натижалар қандай: район хўжаликларида сут етиштириш кескин камайиб кетди. Ўтган йилнинг биринчи кварталида ҳар бош сигирдан 758 килограмм сут соғиб олинган бўлса, бу йилнинг ўтган уч ойи ичида ҳар бош сигирдан 484 килограмм сут олинди. Сигирлар сони 2946 бошдан 2858 бошга тушиб қолди. Подада сигирлар сонини ўстириш ҳақидаги ваъданинг тескариси бўлиб чиқди, моллар бош сони ҳам, маҳсулот ҳам камайди.

«Ленинизм» колхозида аҳвол айниқса ташвишли. Чорвачиликдан ўтган йили 103 минг сўм зарар кўрган бу хўжаликда хатолардан хулоса чиқариб олинмаяпти. Сут етиштириш биринчи квартал плани барбод берилди, ҳар бир сигирдан атиги 202 килограмм сут соғиб олинди. Бу —кунига 2,7 килограммдан тўғри келади. Фермада 331 бош сигир бор, шундан 142 таси соғиляпти, холос. Сигирларнинг анча қисми қисир қолган. Соғин сигирларнинг сути камайиб кетмоқда.

Ҳозиргина «Ленинизм» колхози фермасидан қайтган район қишлоқ хўжалик бошқармаси бош зоотехниги Ш. Мавлонов фермада аҳвол яхшиланаётганлигига бизни ишонтирмоқчи бўлди.

— Собиқ ферма мудири Қурбонбой Матжонов ишдан олиниб, ўрнига Ҳусанбой Саиджонов тайинланди. Ҳозир ишлар юришаётир, — деди бош зоотехник.

Аслида, раҳбар ўзгаргани билан аҳвол ўзгаргани йўқ. Ҳар бир сигирнинг кунлик маҳсулоти 2-3 килограммдан ошмаётир. Хўжакўрсинга деворда осиғлиқ турган рациондан нима фойда? Моллар-

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

га норма бўйича озуқа берилмаётир. Фермада сигирлар зотини яхшилаш ва қисир қолишини йўқотиш тадбирлари амалга оширилмаяпти. Фермадаги иш жараёнларини механизациялаш даражаси паст. Бу алпозда сут етиштиришни кўпайтириб бўладими, ахир?!

Димитров номли колхоз ўтган йили чорвачиликдан фойда олиш ўрнига 46 минг сўм зарар кўрди. Иқтисодий зарарни йўқотиш, рентабелликни ошириш учун фермада меҳнат унумдорлигини ошириш, техникадан ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, фермадаги кўп ишлар механизациялашмаган, меҳнат интизоми бўшашган. Ем-хашак исрофгарчилигига йўл қўйилмоқда. Биринчи кварталда ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут 500 килограммга ҳам етмади. Колхоз раиси М. Отаниёзов ҳар бош сигирдан кунига 5-6 килограмм сут олинаётганлигини ўртача кўрсаткич, деб ҳисоблаётганлиги таажжубланарли ҳолдир. Ахир, қўшни Нариманов номли, Ленин номли колхозларда сигирлар маҳсулдорлиги кунига 8-10 килограммга етяпти-ку. Яқинда район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг чорвачилик бўйича ўринбосари С. Иброҳимов колхоз фермасида бўлиб, бу ерда йўл қўйилаётган жиддий нуқсонларни аниқлади. Лекин аҳволни яхшилашда ташкилотчи бўлиш, муаммоларни ҳал этишга конкрет ёрдам кўрсатиш ўрнига ферма мудири Р. Авазовга панднасиҳат қилиш билан чекланди.

«Победа» колхозининг раиси С. Сафоев, ферма мудири Ҳ. Полиёзов ваъдабозликни ўрнига қўйишяпти-ю, пировард натижа эса кутилганидек бўлмаётир. Биринчи кварталда ҳар бош сигирдан сут соғиб олиш 424 килограммни ташкил этди. Ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткич 723 килограмм бўлганлигини ҳисобга олсак, маҳсулдорлик қанча пасайганлиги кўриниб турибди. Апрель ойида ҳам сезиларли ўзгариш юз бермади. Кунига ҳар бир сигирдан фақат 4-4,5 килограмм сут олиняпти.

Боғот райони ва хўжаликларнинг раҳбарлари сут етиштиришдаги қолоқликка барҳам бериш, маҳсулот тайёрлашда план интизомининг бузилишига чек қўйиш тадбирларини қатъият билан амалга оширишлари лозим.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ФАКТ ВА ШАРҲ

БУГУН ОЙ ТУТИЛАДИ

4 майдан 5 майга ўтар кечаси Тошкент вақти билан соат 1 дан 17 минут ўтганда Ой тутилади.

Бугун кечаси республикамизнинг ҳамма территориясида табиатнинг энг гўзал ва ажойиб ҳодисаларидан бири бўлмиш Ой тутилишини кузатиш мумкин. Бу ҳодиса уч соатдан ортиқ, аниқроғи соат 4 дан 36 минут ўтгунга қадар давом этади. Бу сафарги Ой тутилишини Ўзбекистон территориясидан кузатиш анча қулай. Бу пайтда у ўзининг кульминациясига етган, яъни ҳаракат йўлининг энг баланд нуқтасига кўтарилган бўлади.

Ой тутилишининг сабаблари доимо ҳаракатда бўлган учта самовий жисм — Қуёш, Ер ва Ойнинг ўзаро жойлашишига боғлиқ. Маълумки, Ернинг Қуёшдан терс томонида узун соя ҳосил бўлади. Ой ўз ҳаракати давомида шу сояга кирса, Ой тутилиши содир бўлади. Башарти, Ой Ер билан Қуёшнинг орасида бўлса, унда Ерга Ойнинг соясн тушади-да, Қуёш тутилиши кузатилади. Ой тутилишининг Қуёш тутилишидан фарқи шундаки, Ой ҳеч қачон тўлиқ қораймайди: гардиши билиниб туради. Чунки Қуёшнинг нурлари атмосферадан ўтганда ўзининг йўналишини ўзгартиради ҳамда Ернинг соясига тушиб, Ой гардишини қисман ёритади. Шунинг учун ҳам тутилиш пайтида Ойнинг гардиши бир неча соат давомида тўқ қизилдан тортиб то зангори ранггача товланиб кўринади.

Ой тутилишини кузатиш учун ҳеч қандай асбобнинг кераги йўқ. Ҳаво очиқ бўлса оддий кўз билан бемалол кузатса бўлади.

Ш. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Астрономия институтининг катта илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати.

СПОРТ

ФУТБОЛ. Жаҳон чемпионатининг навбатдаги саралаш учрашуви ўтказилди. СССР терма командаси Швейцария футболчиларини қабул қилиб (4:0) ғалабага эришди. Совет футболчилари бу билан жами очколарини тўрттага етказиб, мавқеларини мустаҳкамладилар ва тўплар нисбатини (7-4) яхшилаб олдилар.

ОБ-ҲАВО

Шу кеча-кундузда республикамизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент областлари ва Фарғона водийсининг тоғли районларида кечаси ва кундузи вақтивақти билан ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Кечаси 12-17, кундузи 25-30, айрим жойларда 33 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-16, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аппаратининг раҳбарлиги, партия бюроси ва касаба союз комитети катта консультант З. Г. Сафроновага онаси

Татьяна Павловна САФРОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институтининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари, индустриал-педагогика ва физика факультетлари коллективи «Электр ва радиотехника» кафедрасининг катта ўқитувчиси Д. Пўлатовага отаси

Фатҳулла Пўлатович ПЎЛАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

4 МАЙ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.35 — Концерт. 10.10 — Шеърий композиция. 11.05 —«Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.35 — Ҳужжатли фильм. 11.55 — «Қўшиқ инсон билан қоладн». 12.45 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — «Тасвирий санъат». 13.40 — «Оила ва мактаб». 14.10 — «Дўстларимиз чеҳраси». 15.00 — Коммунистик шанбалик кундалиги. 15.15 — «Дадамга нима бўлди». Бадиий фильм. 16.30— Ҳужжатли фильм. 17.20 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 17.50 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — Коммунистик шанбалик кундалиги. 18.55 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.15 — Вуюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 22.35 — Концерт. 23.45 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — Илмий-оммабоп фильм. 9.50 — Ленинград телестудиясининг программасн. 11.25 — «Тонгги почта». 11.50 — «Жулдир шинелли чол». 12.40 — Концерт. 13.30 — Кинопанорама. 15.15 — Ёзги спорт мавсумининг очилиши ҳақида репортаж. 15.30 — Футбол. Москва —Ленинград терма командаларининг ўртоқлик учрашуви. 16.20 — Музикали программа. 18.30 — «Суворов». Бадиий фильм. 20.15 — Халқаро обзор. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.50 — «Сиз бунга қодирсиз». 21.30 — «Время». 22.15 — «Вуғу ови» Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20— Ҳужжатли фильм. 10.40 — Ҳужжатли фильм. 13.30 — Кинопанорама. 15.15 — Ёзги спорт мавсумининг очилиши ҳақида репортаж. 15.30 — Футбол. Москва —Ленинград терма командаларининг ўртоқлик учрашуви. 16.20 — Музикали программа. 18.30 — «Суворов». Бадиий фильм. 20.15 — Халқаро обзор. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.50 — «Сиз бунга қодирсиз». 21.30 — «Время». 22.15 — «Вуғу ови» Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 10.00 — «Ахборот». 10.20— Ҳужжатли фильм. 10.40 — Ҳужжатли фильм. 11.25 — «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида». 11.40 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 12.00 — Илмий-оммабоп фильм. 12.20 — «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун». 12.55— «Халқ оғзаки ижоди». 13.55 — Коммунистик шанбалик кундалиги. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.25 — «Заминга содиқ қол». 18.45 — «Театр учрашувлари». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — «Дунё воқеалари». 20.30 — «Ахборот». 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 — «Время». 22.15 — «Ҳам маҳорат, ҳам илҳом».

18.00 — ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

РАДИО

4 МАЙ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.15 — Халқ таландтлари концерти. 10.15 — «Дугоналар». 11.15 — Буюк Ғалаба саҳифалари. 12.10 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — «Чорвадор». 13.30 — Музикали программа. 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 15.40 — Юмористик эшиттириш. 16.30 — Топшириқ бажарилянти. Ҳикоя. 17.00 — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, шоир Назармат — студиямиз меҳмони. 18.15— Халқаро кундалик. 18.30 — «Халқ саломатлиги — мамлакат бойлиги». 19.25 — «Ёшлик». 20.50 — Халқаро ҳаётнинг актуал масалалари. 21.00 — Концерт. 22.30 — Яллалар. 23.30 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.